КПСС XXVI СЪЕЗДИ КАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Газета 1928 йил 11 декабрдан чиқа бошлаган. ● № 232 (7722). ● 3 декабрь, 1981 йил ПАЙШАНБА ● Баҳоси 2 тийин

● «ГОСКОМСЕЛЬХОЗТЕХНИКА»нинг Янгийўл район устахонаси коллективи бу йил областимиз колхоз ва совхозларининг 680 дан ортиқ «ДТ-75» ва «ДТ-75М» маркали ҳайдов тракторларини капитал ремонтдан чиқариш мажбуриятини олган эди. Аҳдга яраша меҳнат қилаётган бу коллектив аъзолари шу кунгача 500 дан ортиқ ҳайдов трактори ремонтини тугаллади. Суратларда: [Ўнгда] илғор ремонтчи-слесарь Шавкат Жалондинов. У кунлик топшириқни 130—140 процент бажариб, мусобақада пешқадамлик қилаётир. [Ўртада] устахонанинг марказий йиғув конвейери. Чапдаги суратда эса, капитал ремонтдан чиққан бу трактор Пискент районига жўнатилмоқда.

В. Смроткин фотолари.





ЎН БЕШЛАР ТАШАББУСИ ИЗИДАН

ҲАР СМЕНАДА ИККИ НОРМА

Металл конструкциялари цехи Тошкентдаги тажрибамеханика экскаватор ремонти заводининг стакчи бўлинмаларидан ҳисобланади. Цех ишчи-хизматчилари ҳар йили кўплаб машина-механизмларни қайта тикламоқдалар. Улар асосан 60 тонна юк кўтаришга мўлжалланган прицеплар, қатор маркадаги экскаваторлар учун эҳтиёт қисмлар, сув иншоотлари қурилишида фойдаланиладиган ускуналарни, уй-жой қурилиши учун зарур бўлган опалубкаларни ишлаб чиқармоқдалар.

Цех коллективи зиммасидаги вазифани доим тўла ва ошириб адо этмоқда. Шунинг учун ҳам корхона цехлари ўртасидаги меҳнат беллашувида доим мукофотли ўринларни эгаллаб келмоқда. Ремонтчилар йиллик маҳсулот реализация қилиш планини заводда биринчи бўлиб бажаришди. Деярли бир ойдан бери 1982 йил ҳисобига ишлашмоқда.

Коллектив ўртасида ўн бешлар ташаббусининг кенг ёйилиши ҳам меҳнат натижасининг самарали бўлишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Қатор бригадалар, айрим ишчи-хизматчилар бир беш йилликда ўн йиллик нормани бажаришга ахд қилиб меҳнат қилишяпти. Айниқса, В. Кулагин раҳбарлик қилаётган слесарлар бригадаси аъзоларининг меҳнат ютуқлари мақтовга сазовордир. Бу пешқадам бригада ишчилари ваъдаларининг устидан чиқишяпти. Петр Карнаюк, Қаюм Қориев каби тажрибали слесарларнинг меҳнат календарида 1982 йилнинг октябрь ойи бошланганга ҳам анча бўлиб қолди. Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Нина Сайдель, Нурулла Ҳусниддинов, Николай Какауллинлар ҳам ойлик планни 200—220 процентдан бажаришмоқда.

Шундай илғор ишчиларни ўз сафига бирлаштирган цех коллективи йил бошидан бери пландагидан ташқари 300 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Шу кунларда бу ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун мусобақа байроғини тобора баланд кўтармоқда.

Т. ШОЮСУПОВА,
«Узоргтехстроймелиорация» трести инженери.

ГРАФИКДАН ЎЗИБ

КОММУНИСТ Ҳикматулла Раҳматуллаев бошчилик қилаётган комплекс бригада 159-трестнинг пешқадам коллективларидан ҳисобланади. Бригада пудратининг афзалликларидан моҳирона фойдаланаётган бинокорлар планларни бажаришда юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Улар ўтган беш йилликда ўн йиллик топшириқни уддалашган эди.

Азаматлар ўн биринчи беш йилликда ҳам ками билан икки беш йиллик планини бажаришга ахд қилиб ишламоқдалар. Иш вақтидан, мавжуд асбоб-ускуналардан самарали фойдаланиш, прогрессив технология ва илғор иш усулларини қўлланиш туфайли бу ваъда шараф билан адо этилмоқда. Иноқ коллективнинг меҳнат календарида ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили бошланганига анча бўлди. Бу ютуқда Т. Тешабоев, А. Рустамов, С. Никитин, А. Мурсеев, Б. Муродов каби тажрибали бинокорларнинг ҳиссаси катта бўлди.

С. СУЛТОНОВ.

ШОНЛИ ВОҚЕАГА БАҒИШЛАБ

В. И. Ленин тўла асарлар тўпламининг Вьетнам тилида босиб чиқарилиши тугаллганига бағишланиб 1 декабрь куни Москвада жамоатчиликнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни СССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти ҳамда чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари союзи ташкил этди.

Йиғилишда сўзга чиққан ВСРнинг СССРдаги муваккат ишлар вакили Ву Хоан В. И. Ленининг Вьетнам тилида чиқарилган тўла асарлар тўплами мамлакатнинг қозиқ-сиёсий ва маданий турмушида қозиқ муҳим воқеа бўлганини таъкидлади. У КПССга, унинг ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитетига, СССР ҳукуматига, В. И. Ленин асарларини нашр этишда қатнашган барча ишчи ва хизматчиларга самимий миннатдорчилик изҳор этди.

Йиғилиш ишида КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлимининг мудири Е. М. Тяжельников иштирок этди. (ТАСС).

ТОШКЕНТ—ХАСКОВО

ДЎСТОНА, САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

Болгария Халқ республикаси Хасково округининг Тошкентда меҳмон бўлиб турган округ халқ Совети ижроия комитети раиси Васил Пасев бошчилигидаги делегацияси областимиз саноат корхоналари, илмий муассасалари ва хўжаликлари билан танишишда давом этмоқдалар.

Кеча болгарлик дўстларимиз Ғалаба районига бордилар. Улар ўйл-йўлақай Ўрта Осиё машина-синов станциясида бўлиб, республика машинасозлик корхоналари чиқараётган янги қишлоқ хўжалик техникаси билан танишдилар. Меҳмонлар Ғалаба район ижроия комитетининг хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик соҳасидаги иш тажрибасини ўргандилар, «Огонёк» совхоз-заводини бориб кўрдилар.

Болгар халқининг буюк фарзанди Георгий Димитров номи билан аталувчи колхоз меҳнаткашлари билан хасковолик меҳмонлар учрашуви самимий ва дўстона вазиятда ўтди. Бу ерда Совет-Болгар дўстлигига бағишланган митинг бўлди. Митинг қатнашчилари Болгария ва Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳамкорлигининг амалдаги самаралари, тошкентлик ва хасковолик деҳқонларнинг ўзаро алоқалари тўғрисида гапирдилар.

РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Ўнинчи чақириқ РСФСР Олий Совети тўртинчи сессияси 2 декабрь эрталаб соат 10 да Москвада ўз ишини давом эттирди.

Депутатлар 1981—85 йилларда РСФСРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат плани, 1982 йилда РСФСРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат плани тўғрисидаги ҳамда РСФСРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1981 йилги давлат планининг қандай бажарилаётганлиги тўғрисида; РСФСРнинг 1982 йилги давлат бюджети ва РСФСРнинг 1980 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилишни давом эттирдилар.

(ТАСС).

ТЕХНИКА РЕМОНТИ ҚИЗҒИН

БЎКА районидаги «Коммунизм» колхозининг меҳнаткашлари кўкламги экин экиш мавсумига тайёргарлик кўриб бўлдилар. 32 ҳайдов трактори ва транспорт трактори, 40 комплект борона, ер текислагич машиналар, плуглар, сеялкалар, культиваторлар ремонтдан чиқарилди.

Бу йил гектар бошига 50 центнердан пахта олган хўжалик меҳнаткашлари машина-ускуналар бўшаган сайин уларни устахонага юборишга киришдилар. Колхоз меҳнаткашлари 1 январгача қишлоқ хўжалик машиналарини батамом ремонтдан чиқаришмоқчи.

Райондаги «Октябрь 40 йиллиги», Ленин йўли колхозларининг, «Бўка» совхози ва бошқа хўжаликларнинг меҳнаткашлари техникани муваффақият билан экишга тахт қилиб қўймоқдалар.

ҲАММА БАҲРАМАНД

«СРЕДАЗУГОЛЬ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ёрдамчи хўжалиги — Ўрта Чирчиқ районидаги «Горняк» совхози коллективи ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида эл дастурхонига 950 тонна узум, 1400 тонна олма етказиб берди. Бу ўтган йилдагидан деярли икки баравар кўпдир.

Хўжаликнинг область Советининг депутати Эшреф Усеинов, Холиқ Алиев, Нури Эрдежепов, Икром Акимовлар бошчилик қилаётган бригадалари миришкорлари бу ютуққа, айниқса, муносиб ҳисса қўшдилар. Бу бригадаларда ҳар гектар узумзордан 150 центнердан, мевазордан эса 100 центнерга етказиб ҳосил олинди.

— Совхозимиз меҳнаткашлари боғдорчилик ва узумчиликни янада ривожлантириш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар,— дейди хўжалик директори Р. Мўминов.— Бунинг учун илғорлар тажрибасини оммалаштириш, мавжуд мевазорлар ҳосилдорлигини оширишга катта аҳамият бермоқдамиз.

Бу ерда деҳқончилик ва боғдорчилик ишларида мавжуд машина ва механизмлардан унумли фойдаланилаётир. Шунинг учун ҳам етиштирилаётган маҳсулотларнинг таннархи арзонлашиб бормоқда. Жумладан, 1 центнер олманинг таннархи 19 сўмни ташкил этмоқда.

Хўжалик соҳибкорлари етиштираётган поз-неъматлардан Ангрен кончилари билан биргаликда Якутия АССР ва Сибирь ўлкаларининг меҳнаткашлари ҳам баҳраманд бўлишмоқда. Бу йил шимолий ўлкаларга 800 тонна сархил мева ва узум жўнатилди.

Аҳолига қиш даврида ҳам мўл ва сифатли боғдорчилик маҳсулотлари етказиб бериш учун хўжаликда 400 тонна мева ва узум сақланадиган музхона ишлаб турибди. Совхозга қарашли цехда эса 300 тоннадан ортиқ узум қайта ишланиб, унинг шарбати турли вино заводларига жўнатилмоқда.

Сўнгги йилларда ёрдамчи хўжаликда чорвачилик ҳам жадал ривожланиб бораётир. Чорводорлар қорамоллар бош сонини, сигирлар маҳсулдорлигини оширишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу йил чорводорлар кончиларга 10 тонна гўшт, 190 тонна сут етказиб бердилар. Келгуси йилда эса бу маҳсулотлар етиштириши икки баравар ошириш режалаб қўйилган.

Совхоз ишчи-хизматчилари учун барча қулайликлар яратиб бериляпти. Бу йил уларга Майрамкўл массивида 47 та турар-жой биноси қуриб битказилди. Уларда хўжалик меҳнаткашларининг 200 дан ортиқ оиласи уй тўйлари ўтказдилар. Кутубхона, ёзги ва қишки киноконцерт заллари, магазинлар, чойхона ҳам соҳибкор ва чорводорлар хизматида.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил) Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб беришга ахд қилган хўжалик меҳнаткашлари шу кунларда кузги-қишки ишларни авж олдириб юборганлар. Мева дарахтларига шакл бериш, токларни кўмиш, зараркунандаларга қарши кураш ариқ-зовурларни тозалаш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Соҳибкорлар 1982 йилда 1000 тонна узум, 1500 тонна олма етиштириш учун кураш олиб боришяпти.

У. ҲАМИДОВ.

ЭНВЕР АЛИЕВ Москвага, СССР Олий Советининг навбатдаги сессиясига йўл олишдан аввал одати бўйича қадрдон далаларини бир айланиб чиққанди. Ҳамма ёқда кеч куз нафаси сезилиб турарди. Пахтазорлар атрофидаги довдарахтлардан тилларанг яп-роқлар учиб тушиб, бир неча дақиқа ракста тушгандек ҳавода айланар ва ерга тўшаларди.

Далаларда ҳам жўшқин меҳнатдан сўнгги сукунат ҳукм сурарди. Звено аъзолари ҳали ҳам сўнгги чаноқлардаги ҳосилни йиғиштириб олишни давом эттиришар, лекин ҳозирдаёқ меҳнатларини сарҳисоб қилаверса бўлишарди. Пахта тайёрлаш планини совхозда биринчи бўлиб бажарган звено коллективи, социалистик мажбуриятни ҳам шараф билан адо этиб қўйганди. 75 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга эришилди.

Энвер ғўза тупларидан бирида сақланиб қолган чаноқни аваллаб қўлига олди. Деҳқон қўлидек чайир, қадоқли бешчаноқ кифтида оппоқ момиқ.

Аммо деҳқонларнинг меҳнати шу чаноқларда жиловланганча улар озмунча тер тўкишдими? Ёзнинг узоқ кунлари камлик қилиб, тунларни ҳам беором ўтказган вақтлари ҳисобига етиб бўладими?

Бу ўйлар беихтиёр ҳаёлига баракали хирмоннинг пойдевори қўйила бошлаган, борлиқ баҳор қуёшида уйғонаётган кунларни келтирди. Звенода 75 гектар ерга чигит бир кунда—1 апреллнинг ўзида қадаб чиқилди. Албатта, Энвер Алиев ҳамкасби Жалдибой Имонбоев билан бир ўзлари бунинг уддасидан чиқа олмасдилар. Моҳир пахта устаси Алима Айвазова раҳбарлик қилаётган Ульянов номли бўлимнинг ҳамма механизаторлари уларнинг звеноси далаларига чигит экиш агрегатларини олиб чиқишган эди ўша куни. Бунинг учун эса далалар кафтдек текисланган, экишга ҳамма нарса тахт бўлиб турган бўлиши керак эди.

Звенода бугунги иш эртага қўйилмайди. Аксинча, илож борича эртароқ бажариб қўйилади. Улар аввалги йили кузгаёқ шудгорлашдан сўнг ерларни текислашга киришган эдилар. Баҳорда зарур жойлар чизелланиб, сўнг борона қилинди, холос.

Ер тобига келгандан тупроққа тушган чигит бир ҳафтага қолмай замин сийнасидан бош кўтарди. Эгатларда қатор саф тортган бу қўшқулоқ мурғак ниҳоллар деҳқонларнинг эзгу орзуларини ҳам қанот ёздириб юборганидек эди. Энвер далага тезда культиваторини олиб кирди.

Чаноқдаги момиқ вазнсиздек туюлсада, пахтанинг енгили бўлмайди. Бу йил баҳорда ҳам табиат яна ўчакишди. Сурункали ёғингарчиликлар кечагина майин қилиб юмшатиб қўйилган эгатларни суваб қўярди. Қатқалоқ ёш ниҳолларни бўғиздан олиш пайида бўларди.

Коллективнинг аҳиллиги ана шундай серташвиш кунларда, айниқса, яққол кўзга ташланди. Звенонинг бор-йўғи 11 аъзоси бор. Уларнинг ҳар бири икки-уч кишининг ишини бажарди. Энвер бу кунларда Клара Абдусалова, Анифа Жеминова, Ҳадича Чапирларнинг тонг саҳардан кечқурун кўз илгагунча далалардан чиқмаганликларини ҳеч ёдидан чиқармайди.

Пахтакорлар қалбининг ҳароратидан баҳраманд бўлган ниҳоллар аста-секин қаддини ростлади, дастлабки шоналари, очпушти гуллари, сўнг салмокли кўсаклари билан кўз-кўз қила бошлади. Тажрибали сувчилар Мустафо Муслимов, Султонали Содиқов, Назим Расул ўғли экинни обиҳаётга қондириб, бу ҳосилга-ҳосил қўшдилар.

Ҳар фаслнинг ўз тароватли, гашти бор. Энвер Алиев улар орасида кўпроқ кузни—далалар оқ чойшаб ёпинганидек кумушдек товланиб кетадиган дамларни хуш кўради. Зеро, чаноқларда юлдуздек чақнаб турган пахтани кўрган деҳқоннинг қалби энтикмай бўладими?! Унинг саранжомсаришта қилиш масъулияти эса энди кўпроқ Энвернинг зиммасида.

Звено етакчиси «зангори кема»сини пахтазорга олиб кирган кундан бошлаб тиним билмади. Кейинги йилларда совхозда шофёр бўлиб ишлайдиган ўғли Абдулла терим пайтида унга ёрдамга келадиган бўлди. Ота-ўғил бу мавсумда ҳам звенога етиштирилган пахтанинг асосий қисмини — 270 тонна «оқ олтин»ни «пўлат этаклардан тўкишди. Энвер Алиев ҳисобида — 150 тонна, ўғли Абдуллада эса—120 тонна.

Звено мўл, айни пайтда сифатли ва арзон пахта етиштиришда фақат Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозидагина эмас, бутун республикада ҳам донг таратган. Бу йил ҳам звенонинг ҳар бир аъзоси ҳисобига 30 тоннадан кўпроқ пахта етиштирилди. Бир центнер пахтанинг таннархи 19 сўм 80 тийинга тўғри келди.

Уларнинг пахта хирмонлари йилдан-йилга юксалиб бораяпти. Бу замин саховати, деҳқонларнинг она Ерга меҳр-муҳаббатлари, фидокорона меҳнатлари самарасидир. Унинг, звено барча аъзоларининг фаровон ҳаётлари, «оқ олтин»ё чўққиларидек сарбаланд обрў-эътиборлари ҳам ана шу заминдан. Энвер Алиев кўксида қаҳрамонлик Олтин юлдузи порлаб турибди. У халқнинг юксак ишончига сазовор бўлиб, СССР Олий Совети депутатлигига сайланган.

Звено бошлиғи давлатимиз олий органига сайланган республикамиз вакиллари билан биргаликда Москвага интернационал бурчларини бажарганликлари, Ватанга 6 миллион тонна «оқ олтин»ё армуғон этганликлари тўғрисидаги хушхабар билан бораётганлигидан мамнун эди. Энвер ана шундай қувонч, хуш кайфият билан даладан қайтар экан, саҳий заминга таъзим бажо келтирди.

Э. ЭРНАЗАРОВ,
Ф. МУҲИДДИНОВ.

ТАЪЗИМ

ЛАВҲА

185-ҚОРАҚЎЙЛИ САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ

АХБОРОТИ

1981 йил 29 ноябрда 185-Қорақўйли сайлов округи бўйича халқ депутатлари область Советига сайловлар бўлиб ўтди.

Шу округ бўйича ҳаммаси бўлиб 1900 сайловчи рўйхати қайд қилинган эди. 1900 киши ёки сайловчиларнинг 100 процента овоз беришда иштирок этди.

Натижа сайловчилар коммунистлар ва партиясизлар блокининг номзоди учун якдиллик билан овоз берганликларини кўрсатди.

Область статистика бошқармасининг бошлиғи Эсонова Зинят Абдуқодировна область Советига депутат қилиб сайланди.

Округ сайлов комиссияси.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ДИҚҚАТИГА

Халқ депутатлари Тошкент область Советининг ижроия комитети маълум қиладики, 1981 йил 7 декабрь соат 15.00 да область партия комитетининг мажлислар залида XVII чақириқ халқ депутатлари область Советининг саккизинчи сессияси очилади.

Депутатлар ўша бинонинг ўзида соат 14.00 дан бошлаб рўйхатга олинадилар.

Халқ депутатлари Тошкент область Советининг ижроия комитети.

Серкуёш республикамизда

ХУШХАБАРЛАР

ЛИМОН УЗИЛА БОШЛАНДИ. Сурхондарё область «Ҳазарбоғ» совхозининг лимонзорида мева узила бошланди. Бу ерда цитрус мева майдони барпо этилганига ўн йилдан ошди. Ҳозирги вақтда Ҳазарбоғ лимонарийси областда энг катта лимонзорлардан бири бўлиб қолди. Беш йиллик охиригача бу ерда йилига 3,5 миллион донагача мева олиш мўлжалланмоқда.

МАКТАБ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ҚУРИБ БИТКАЗИЛДИ. Марҳамат шаҳрида янги бир кўркам бино пайдо бўлди. Бу бино мактаб бўлиб, уни 24-қурилиш трестига қарашли 86-механизациялашган кўчма колоннадан Қаҳҳор Мўйдинов бригадаси муддатидан илгари қуриб битказди. Коллектив Николай Злобин методи билан ишламоқда, бригада «СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафта» шиори остидаги социалистик мусобақаси актив қўшилган».

АСАЛАРИЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ. Жиззах асаларичилик совхози асал етиштиришни бултургига нисбатан қариб 1,5 баравар кўпайтирди. Бу ерда 126 тонна қимматли маҳсулот олинди. Бу йил совхозда ари оилалари сони анча кўпайтирилди. Бу беш йилликнинг иккинчи йилида камида 250 тонна асал олишга имкон беради.

ПАРРАНДАЧИЛИК ФАБРИКАСИДА ИШЛАР ЖАДАЛ. Термиз паррандачилик фабрикаси беш йилликнинг иккинчи йили ҳисобига ишлай бошлади. Корхонанинг маҳсулоти Шеробод чўли қўриқ районларидаги қурилиш ташкилотларининг, Термиз дарё портининг ишчилар таъминоти бўлимига, область марказининг савдо тармоқларига юборилмоқда. Йил охиригача йиллик пландан ташқари 20 тонна гўшт етиштириш мўлжалланади. Фабрика ходимлари орасида қишки мавсумда паррандалар сермаҳсул бўлишини таъминлаш мусобақаси авж олдириб юборилди.

НОВАТОРЛАР ИЗЛАНИШЛАРИНИНГ САМАРАЛАРИ. Қўқондаги «Большевик» заводи ишлаб чиқарётган суюлтирилган газ сақланадиган ҳар бир цистернанинг вазни 55 килограмм камайди. Бу миқдор озга ўхшаб кўринади-ю, лекин йил бошидан бери ясалган 670 цистернадан 36 тоннадан кўп пўлатни тежаш мумкин бўлди. Шунда пўлатдан яна 18 та цистерна ясаш мумкин.

Корхонанинг етакчи мутахассислари Р. Усмонов, Г. Топузиди, О. Мирзаюсупов бу ишда катта хизмат қилдилар. Улар сортли прокат бичиш технологиясига бир қанча конструктив ўзгартишлар киритдилар. Коллективда кенг қулоч ёйган тежаб-тергаш ҳаракатида новаторлар ва рационализаторлар пешқадамлик қилмоқдалар. Завод коллективи КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленуми қарорларини амалга ошира борпб, ўн биринчи беш йилликда маҳсулотга кетадиган металл миқдорини камайтириш, қиммат турадиган ҳом ашё ва материаллардан рационал фойдаланиш борасида катта бир программани белгилаб қўйди.

Социалистик мусобақа саҳифраси

СССР

- СССР 60 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА
- НОН—ДАСТУРХОН КЎРКИ
- ИККИ ИНДУСТРИАЛ ШАҲАР МЕҲНАТ БЕЛЛАШУВИ САМАРАСИ
- БРИГАДА ПУДРАТИНИ ҚЎЛЛАНИБ
- ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

СИФАТЛИ ВА ТЕЖАМЛИ

ЭРТА тонгданоқ магазин пештахталарида янгигина заводдан келтирилган хилма-хил нон маҳсулотларини кўришга одатланиб қолганмиз. Ҳар бир оилада дастурхон кўрки — нон сероб бўлиши учун ўнлаб корхона ишчилари туни билан печлар олдида бўладилар. Фидокорона меҳнатлари билан тайёрланган нон маҳсулотлари халққа манзур бўлса, ўзларини бахтиёр ҳисоблайдилар.

Шунинг учун корхонамизда ҳам нон маҳсулотлари сифатини муттасил яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Бу соҳада қатор ташкилий-техникавий тадбирларни амалга оширяпмиз. Шу йилнинг ўзида заводимиздаги кўпгина машина-механизмлар модернизация қилинди. Цехларга 20 га яқин янги мукаммал агрегатлар ўрнатилди.

Ҳар душанба заводимизда сифат куни, деб эълон қилинган. Бу куни биз ишимиз сифатини чуқур таҳлил этамиз. Бу соҳада энг яхши натижага эришаётган коллективларимиз иш тажрибасини оммалаштирамиз. Сифатли маҳсулот ишлаб чиқараётган ишчилар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилади.

Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан кўргазмалар ташкил этишни ҳам йўлга қўйганмиз. Бу кўргазмалар пайтида харидорларга нон сифати ҳақида саволлар берилган анкеталар тарқатилади. Харидорлардан олинган анкеталардаги таклифларни ўрганиб, нон маҳсулотлари сифатини яхшилаш учун янги тадбирлар белгиланади.

Уч йилдан бери корхонамизда сифатни бошқаришнинг комплекс системаси ишлаб турибди. Бу ҳам маҳсулот сифатини оширишда қўл келяпти.

Бу йил заводимизда қадоқланган майда нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйила бошланди. Авволлари тайёрланаётган бу ханка нонлар асосан 800 граммлик эди. Шу йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса ярим килограммлик нон ишлаб чиқаришга ўтдик. Бунинг учун янги қолиплар тайёрланди, қатор техникавий тадбирлар амалга оширилди.

Миллий нонлар ҳажмини кичрайтириш чораларини ҳам кўряпмиз. Цехларимизда аввалги 400 граммлик ўрнига 200—300 граммлик оби нонлар ёпиляпти. Шунингдек, 60—150 граммлик булочкалар тайёрлашни ҳам йўлга қўйганмиз.

Унни тежаш, айни пайтда нон маҳсулотлари сифатини яхшилаш учун заводимизда сут зардоби ва қрахмалдан кенг қўлланиляпти. Ҳар ойда нон маҳсулотларига қўшиш учун 20 тонна сут зардоби ишлатиляпти. Ундан фойдаланиш йил бошидан бери бизга 3,2 тонна унни тежаш имконини берди.

Меҳнаткашлар таклифларини кнобатга олган ҳолда пархез нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш тобора кўпайтириляпти. Ҳозирги пайтда ана шундай украинча, белорусча, Сибирь, ошхона нонлари, сутли булочка ва батон, Олтой булочкаси тайёрланяпти. Миллий нон турлари ҳам кўпайиб боряпти. Биз савдо тармоқларига 200 граммлик тўй нон ва меҳмон нон ҳам жўнатяпмиз. Умуман заводимизда 40 дан ортиқ турда нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Нон маҳсулотлари сифатини ошириш учун олиб борилаётган бу ишлар ўз самарасини бермоқда. Кейинги вақтда заводимизга ҳали бирор марта магазинларда ўтмай қолган нон қайтариб юборилмади.

Заводимиз коллективи сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан бир қаторда план топшириқларини ҳам муваффақиятли бажармоқда. Шу йилнинг ўн бир ойлик планига қўшимча равишда 30 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Коллективимиз ўртасида кенг авж олган социалистик мусобақада моҳир нонвойларимиздан Набижон Тилаболдиев, Турсуной Оқбўтаева, Карамат Азимовалар пешқадамлик қиляптилар. Уларнинг тажрибаси завод барча ишчилари ўртасида кенг оммалаштириляпти. Шу туфайли комсомол-ёшлардан Алфия Хабибулина, Мўътабар Болтабоева, Саида Мартабаева, Комил Маҳкамов, Алишер Ҳакимовлар ҳам ўз касбининг усталари бўлиб қолдилар.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини янада ошириш, тежамкорликни кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Пленум қарорларига амалий иш билан жавоб беришга аҳд қилган корхонамиз ишчи-хизматчилари нон сифатини янада яхшилаш чораларини кўрадилар. Халқимиз дастурхонини хилма-хил, сифатли нонга тўкис қилиш учун барча имкониятларни ишга соламиз.

П. ҲИДИРОВ,
Янгийўл нон заводининг директори.



● ОКТЯБРЬ революцияси номидаги Тошкент тепловоз-ремонт заводида СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига зарбдор ҳафталиклар самарали ўтмоқда. Унда фаол иштирок этаётган кўплаб ишчилар юксак меҳнат кўрсаткичларига эришмоқдалар. Тепловознинг йирик узелларига ишлов берувчи Ёқуб Муродов меҳнатда касбдошларига намуна бўляпти. У шу кунларда 1982 йилнинг иккинчи кварталы ҳисобига маҳсулот бермоқда.

В. Сироткин фотолари.

ТОШКЕНТ–ЖИЗЗАХ–ИВАНОВО МУСОБАҚА ДАВОМ ЭТМОҚДА

МУСОБАҚАДОШ ОБЛАСТЛАР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ АЙРИМ ТАРМОҚЛАРИНИНГ 1981 ЙИЛ ЯНВАРЬ — ОКТЯБРЬ ОЙЛАРИДАГИ АСОСИЙ ИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

	Тошкент	Жиззах	Иваново
САНОАТ			
Ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари — процент ҳисобида	105,1	112,0	101,8
Реализация планининг бажарилиш проценти	101,9	103,3	100,8
Пландан ташқари реализация қилинган маҳсулот — миллион сўмлик	88,0	7,2	40,5
Маҳсулот реализация планини бажармаган корхоналар сони	20	6	64
Корхоналар умумий сонига нисбатан процент ҳисобида	4,8	11,3	21,8
Саноат-ишлаб чиқариш ходимлари сонининг ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўзгариш — процент ҳисобида	101,7	111,5	98,4
Меҳнат унумдорлиги планининг бажарилиш проценти	102,8	103,6	101,7
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати — процент ҳисобида	103,3	100,4	103,5
Меҳнат унумдорлиги планини бажармаган корхоналар сони	37	7	73
Корхоналар умумий сонига нисбатан порцент ҳисобида	9,3	13,2	24,9
Барча турдаги калава ишлаб чиқариш — минг тонна	13,7	—	258,1
Калава ишлаб чиқариш планининг бажарилиш проценти	91,2	—	93,8
Барча турдаги газлама ишлаб чиқариш миллион погон метр	157,2	—	1833,2
Газлама ишлаб чиқариш планининг бажарилиш проценти	88,2	—	95
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ			
Барча категориядаги хўжаликларда асосий чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш планининг бажарилиш проценти, пландагидан ташқари харид қилинганлари ҳам ҳисобга киради:			
Чорва ва парранда	95,4	85,2	80
Сут	95,1	90,1	72
Тухум	84,2	89,2	91
Колхоз ва совхозларда 1981 йилнинг январь — октябрида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва чорванинг маҳсулдорлиги:			
Тирик вазнда сўйиш учун реализация қилинган барча турдаги чорва ва паррада — минг тонна	38,2	15,3	46,1
1981 йилнинг январь — октябрида 1980 йилнинг шу давридагига нисбатан процент ҳисобида	114,1	106,0	99,1
Соғиб олинган жами сут — минг тонна	142,5	29,6	221,8
1981 йилнинг январь — октябрида 1980 йилнинг шу давридагига нисбатан процент ҳисобида	104,3	109	88
Товуқ тухуми етиштириш — миллион дона	259,5	33,6	324,2
1981 йилнинг январь — октябрида 1980 йилнинг шу давридагига нисбатан процент ҳисобида	105,0	113,0	108
Ҳар бир соғин сигирдан соғиб олинган ўртача сут миқдори — килограмм	3037	2189	1442
1981 йилнинг январь — октябрида 1980 йилнинг шу давридагига нисбатан процент ҳисобида	101,3	102	92
Ҳар бир товуқдан олинган ўртача тухум миқдори — дона	142	152	191
1981 йилнинг январь — октябрида 1980 йилнинг шу давридагига нисбатан процент ҳисобида	96,6	106	103
КАПИТАЛ ҚУРИЛИШИ			
Давлат капитал маблағлари ҳисобига амалга оширилгани (процент ҳисобида);			
Капитал маблағ сарфлаш планининг бажарилиши	91	99,5	87
Қурилиш-монтаж ишлари планининг бажарилиши	89	101,0	91
Уй-жой қурилишига капитал маблағ сарфлаш — йиллик планга нисбатан процент ҳисобида	66	70	75
САВДО			
Давлат ва кооператив савдосн товар оборотн планининг бажарилиши, умумий овқатланиш ҳам ҳисобга киради, — жами процент ҳисобида	101,4	101,2	102
Шу жумладан, чакана тармоқ товар обороти	101,3	101,1	102
Умумий овқатланиш товар обороти	101,8	102,0	102
АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ			
Маиший хизмат кўрсатиш ҳажми планининг бажарилиши — процент ҳисобида	100,7	103,6	100,2
Шу жумладан, шаҳарларда	101,9	108,7	100,3
Қишлоқларда	96,1	101,7	100,03

ОЛМАЛИҚ—ЧИРЧИҚ

Бу шаҳарлар областимизнинг йирик индустриал марказларидан ҳисобланади. Улар бағрида экономикамиз етакчи тармоқларининг қатор бирлашмалари ва корхоналари бор. Бу корхоналар ҳар йили халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун турли-туман маҳсулотлар, жумладан машина-механизмлар, минерал ўғитлари ва бошқа кимёвий материаллар, кундалик эҳтиёжлари учун бир қанча кенг истеъмол товарлари етказиб бериш мақда.

Бу икки индустриал шаҳар меҳнаткашларининг ажойиб анъаналари ҳам бор. Улар бир неча йиллардан бери ўзаро мусобақалашмоқдалар. Ҳар йили икки ўртада меҳнат беллашуви бўйича шартномалар тузилади. Мусобақадошлар ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида ҳам шартлашиб ишламоқдалар. Унда юксак меҳнат марраларини эгаллаш кўзда тутилган эди. Йил якунланмоқда. Икки шаҳар саноатчиларининг меҳнатн натижаси қандай бўлмоқда?

Аввало, олмалиқликлар ҳам, чирчиқликлар ҳам КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини амалга оширишга ҳисса қўшиш йўлида фидокорона меҳнат қилаётганликларини таъкидлаб ўтиш керак. Кўпчилик ишлаб чиқариш коллективларида план ва зиммага олинган мажбуриятларни шараф билан уддалаш учун мусобақа қизғин тус олган. Мусобақани ташкил этиш ва ғолибларни рағбатлантиришнинг янги-янги формалари қўлланилмоқда. Турли хил ватанпарварлик ташаббуслари кенг ёйилмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, техника тараққиётини жадаллаштириш, материаллар ва хомашёни тежашга қаратилган тадбирлар амалга ошириляпти. Бу ва бошқа кўрилган шундай чоралар бу шаҳарлар меҳнат аҳли зиммасидаги вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишида қўл келмоқда.

Шу йилнинг ўтган ўн ойи якунлари мусобақадошлар давлат планини знёдаси билан бажараётганликларидан далолат бериб турибди. Иккала шаҳарда саноат маҳсулотларини реализация қилиш топшириғи шараф билан адо этилди. Бу муҳим кўрсаткич Олмалиқда пландагига қараганда анча юқори бўлди. Олмалиқликлар қўшимча 7 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишди. Чирчиқликларнинг бу асосий кўрсаткич бўйича эришган натижалари эса нисбатан анча кам бўлди. Уларнинг топшириқдагига қўшимча етказиб берган саноат маҳсулоти 2,8 миллион сўмликни ташкил этди.

Бу зиммага олинган социалистик мажбуриятларни бажаришда ҳам олмалиқлар пешқадамлик қилаётганликларини кўрсатади. Улар эл-юрт олдида берган ваъдаларини знёдаси билан уддасидан чиқмоқдалар. Ҳозирнинг ўзидаёқ йиллик мажбуриятларини ортиғи билан адо этиб қўйдилар. Ўтган ўн ойда мажбуриятнинг бажарилиши 152,8 процентни ташкил этди. Ваъдага қўшимча 2 миллион 400 минг сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинди. Чирчиқликлар эса аҳдларининг устидан чиқа олмадилар. Улар шу давр мобайнида пландагидан ташқари 4,5 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот тайёрлашлари керак эди. Амалда бунга нисбатан 1714 минг сўмлик кам маҳсулот реализация қилдилар. Бу шу давр учун белгиланган мажбуриятга нисбатан деярли 38 процент оздир.

МУСОБАҚА ШАРТЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

Кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда ҳам олмалиқликлар олдинда бориляпти. Улар ўтган ўн ойда планнинг 105,7 процент бажарилишини таъминладилар. Агар пойтахт области бўйича (Тошкент шаҳри ҳисобга кирмайди) жами топшириққа қўшимча сал кам 16 миллион сўмлик халқ истеъмоли товарлари тайёрланган бўлса, бунинг учдан бир қисми Олмалиқ улушидир. Чирчиқлик саноатчилар ҳам бу соҳада яхши кўрсаткичларга эришиб, планни 103,3 процент қилиб адо этдилар. Лекин, бу соҳа бўйича ҳам мусобақадошларидан орқада қолдилар.

Меҳнат унумдорлигини ошиб кўрайлик. Бу кўрсаткич ҳам Олмалиқда юқори бўлди. Унумдорликни ошириш плани 102,7 процент қилиб бажарилди. Чирчиқда эса у топшириқдагига нисбатан бор-йўғи 0,9 процент ошди. Олмалиқ химия, рўзғор химияси заводларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортишининг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Чирчиқ пойабзал фабрикаси, «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам бу кўрсаткичнинг юксак даражада ортишига эришди.

Маҳсулот таннархини камайтиришда ҳам Олмалиқ беллашув ғолиби бўлиб келяпти. Съездлар йилининг ўтган тўққиз ойида олмалиқликлар анчагина миқдордаги давлат маблағини тежаб қолишди. Маҳсулот таннархини арзонлаштиришдан кўрилган иқтисодий самара бир миллион 220 минг сўмни ташкил этди. Чирчиқ индустрияси ходимлари эса маҳсулот таннархининг ортиб кетишига йўл қўйдилар. Оқибатда давлат 109 минг сўмлик зарар кўрди.

Агар мусобақадошлар мавжуд барча резервлардан оқилона фойдаланганларида эди фаолиятлари натижаси янада баракали бўлар эди, шубҳасиз. Ғолиблик қилаётган Олмалиқ индустрияси ходимлари ҳам, орқада қолаётган Чирчиқ саноатчилари ҳам бу соҳада етарли даражада қатъийлик кўрсатмадилар. Шунинг учун ҳам айрим корхоналар ва бирлашмалар коллективлари муҳим техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича сусткашликка йўл қўйдилар.

Масалан, Олмалиқда 4 корхона янги маҳсулот ишлаб чиқариш планини бажармади. Шу туфайли деярли 1 миллион 150 минг сўмлик кам маҳсулот тайёрланди. 6-гишт заводлари бошқармаси, 5-темир-бетон буюмлари заводи реализация планини уддаламади. Беш корхона эса меҳнат унумдорлиги бўйича топшириқдагидан орқада қолмоқда.

Чирчиқда эса қишлоқ хўжалиқ машинасозлиги заводи оқсамоқда. Биргина шу корхона ўтган ўн ойда 498 минг сўмлик кам маҳсулот ишлаб чиқарди. Уч корхона эса меҳнат унумдорлигини белгиланган даражада оширолмади. Бундан кўрилган зарар 400 минг сўмликдан ҳам ошиб кетди. Иккала шаҳарнинг айрим корхоналарида маҳсулот таннархи қимматлашди. Бундан Чирчиқда 873 минг, Олмалиқда 495 минг сўм зарар кўрилди.

Мусобақадошлар ишнга салбий таъсир қилган қатор бошқа камчиликлар ҳам бўлди. Уларни бартараф этиш хўжалиқ йилини яхши якунлаш, бу билан умуман ўн биринчи беш йиллиқ план топшириқларини бекаму-кўст амалга оширишга пухта замин вужудга келтириш имконини беради.

● ЧИРЧИҚДАГИ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси синтез цехида ўн бир ойлик план муддатидан анча олдин адо этилди. Бу ютуққа смена мастери коммунист М. Усганов ва аппаратчи Г. Шимагаевалар муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

ТАШАББУСКОРЛАР МИНБАРИ

ВАЪДАМИЗНИ БАЖАРАМИЗ

Биз қурувчилар КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленуми, ўнинчи чақириқ СССР Олий Совети олтинчи сессиясининг материалларини зўр қизиқиш билан ўрганяпмиз. Бу ҳужжатларда мамлакат халқ хўжалигидаги ишларнинг ҳозирги аҳволи чуқур таҳлил қилинган, беш йиллик кейинги йилларда қилинадиган ишларнинг аниқ-равшан программаси белгилаб берилган.

Менга энг яқин соҳа — капитал қурилиш тўғрисида гапирмоқчиман.

Маълумки, бу тармоқдаги капитал маблағлар ва қурилиш-монтаж ишлари ҳажми беш йиллик учун даставвал белгиланганига нисбатан 30 миллиард сўм қисқартирилмоқда. Буни мен ўз вақтида кўрилган чора деб ҳисоблайман.

Шунинг учун ҳам ўртоқ Л. И. Брежнев қурувчилар олдига меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларни айни ишга туширилиадиган қурилишларга мумкин қадар кўпроқ жамлаш керак, қурилишни тезроқ ишга тушириш учун нимани керак бўлса, шуларнинг ҳаммасини уларга бериш керак, деган вазифани қўйиб, мутлақо тўғри иш қилди.

«Ўзбекшахтострой» трестимизнинг коллективи ўзи шу йўлдан бормоқда. Бу йил биздаги кўпчилик объектлар ишга туширилиадиган объектлар бўлиб, асосий куч-қувват ва маблағлар шуларга ажратилган. Чунончи, барча қурилиш-монтаж ишларининг 90 процентдан кўпи илғор метод,— бригада пудрати асосида бажарилмоқда. Натижада Ангрен керамика комбинатида метлах плитка ишлаб чиқарадиган цех, «Резинотехника» заводидаги янги қувватлар, Олмалиқ химия заводида сульфат кислота ишлаб чиқарувчи комплекс каби жуда муҳим объектлар муддатидан илгари фойдаланишга топширишга тайёрланмоқда. Уй-жой қурилиши ҳам муваффақиятли олиб борилмоқда.

Бизда қийинчиликлар ҳам йўқ эмас, албатта. Объектларни керакли материаллар билан таъминлашда ҳамон узилишлар бўлмоқда, транспорт иши ҳам дуруст эмас. Аммо меҳнатни яхши ташкил этиш, бригадалар ва техникани билиб маневр қилдириш шу камчиликларни бартараф этишга, вақтни тежашга имкон беради. Мен раҳбарлик қилаётган бригада беш йилликда ўн йиллик топшириқни бажариш мажбуриятини олди. Биз ваъдамизни бажарамиз, деб бугун бемалол айта оламиз!

Д. ЗАЗУЛИН,
«Ўзбекшахтострой» трестининг ғишт теруувчилари бригадири.

БЕШ МИЛЛИОН ЙЎЛОВЧИГА ХИЗМАТ

Калинин майдонидаги диспетчер хонасига кўзлари намланган ёшгина жувон кириб келди.

— Сумкам, сумкамни кўрмадингларми? Ҳаво ранг.. Ичида врач ёзиб берган дори қоғозлари бор эди, кейин пули ҳам...

— Синглим, аввал бироз нафасингизни ростлаб олинг! — навбатчи диспетчер Ф. Абдуллажонова жувонни тинчлантириб қўлига пиёлада сув тутди. — Қаерда яшайсиз?

— Генерал Раҳимов номли колхозда, Тошкент райониданман... Фамилиямми? Валиева Ҳакима.

Фотима опа тапилмани стол устига қўйди. Эгаси ҳаяжонини босолмай сумкасини титкилаб, битта 10 сўмликни столга «суюнчиси» деб ташлади. Ҳозиргина мулойим бўлиб турган диспетчернинг ранглари оқарди. У бошини тебратиб, Хакимахонга тикилди...

— Бу нима? Садақами? Биз давлатдан етарли маош оламиз, ҳайдовчилар ҳам, — Пулингиз ўзингизга буюрсин, рўзғорга ишлатинг. Катта раҳматни ҳув анави йигитга, 1225-номерли машина салонини ораста қилаётган ҳайдовчига айтиб кетинг, — деди Фотима опа бир зум юзлари лавуллаб кетган топилма эгасини кузатаркан.

Неъматжон ака нотаниш аёлнинг қўлини қўксига қўйиб, сўрашаётганлигидан ҳайрон бўлди:

— Амакижон, сизга катта раҳмат. Ўриндиқда қолдириб кетган сумкамни диспетчер хонага топширибсиз. Болаларимнинг сиздек софдил бўлишини умид қиламан. — Хакимахон ҳайдовчига қайта-қайта миннатдорчилик билдирди.

Моҳир ҳайдовчи Неъматжон ака оддий йўловчи раҳматидан чексиз қувониб кетди. Мана, троллейбус «штурвал»ини ушлаганига ҳам салкам ўттиз йил бўлибди. Йиллар ортда қоларкану, лекин йўловчилар раҳмати ишда мададкор бўларкан.

Уни кўпчилик «уста» деб чақиради. Неъматжон ака ўзига бўлган бу ҳурмат маъносидан завқланганда ёшлик дамлари дарров кўз ўнгига келади...

Неъматжон ака ишга биринчи келган йиллари шаҳримизда бор-йўғи 50 та троллейбус беш маршрут бўйлаб қатнарди. Бу қулай транспорт тури йиллар ўтган сари кўпайиб бораверди, янги-янги маршрутларда қатнай бошлади. 1975 йилда

ШАҲАР ТРАНСПОРТИ МАВЗУИДА

ҳаракатдаги составларнинг сони 275 тага етди. Янги микрорайонлар ташкил этилгач, линияларнинг узунлиги 202,2 километрдан ошиб кетди. Кейинги йиллар мобайнида 43,2 километр троллейбус линияси фойдаланишга топширилди. Линияларнинг узунлиги — 250 километрга етай деб қолди. Ҳозир бу йўлларда ҳар куни 268 та троллейбус қатнаб, юз мингдаб йўловчи манзилини яқин, оғирини енгил қилмоқда.

Иқтидорли ҳайдовчи Н. Икромов эса ҳар сменада 1100—1200 кишига намунали хизмат кўрсатмоқда. Унинг ҳамкасблари Ленин ордени кавалери Х. Рўзиев, В. Голиков, К. Асқаров, Қ. Шерматов, Р. Тиллахўжаев, Э. Ниёзалиев, А. Егоркина-лар билан биргаликда ўн биринчи беш йиллик йўловчилар ташиш планини икки ярим — уч ярим йилда бажариш аҳди билан руль бошқаришяпти.

Экскаватор заводи — Калинин майдони орасида ўн километрли масофадаги маршрут бўйлаб ҳар куни 20 та машина аҳоли хизматини ўтамоқда. Бу маршрут ҳар доим йўловчиларга гавжум бўлади.

Троллейбус бошқариш ҳам бир санъат. Шу касбга меҳр қўйган, уни ардоқлаган Неъматжон ака миллион километр йўлни аварияси босиб ўтди, 5 миллион йўловчини кўзлаган бекатига элтиб қўйди. Коммунистик меҳнат бригадаси аъзоси бўлган тажрибали транспортчи ҳурматли мураббий ҳамдир. Ўнлаб ёшларга устозлик қилди, уларда ўз касбига меҳр-муҳаббат уйготди. Шогирдлари Т. Холмирзаев, М. Деҳтерева, Т. Сафонова, Т. Набиевларни ўз орқасидан эргаштирди. Кечаги шогирдлар бугун депо машъалларидан ҳисоблаяпшади.

Кўринишидан оддий, аслида сермашаққат троллейбус ҳайдовчилик касби Неъматжон ака Икромовга шонш-шуҳрат келтирди. Унинг баракали меҳнати ҳар томонлама қадрланяпти. Фахрий ёрлиқлар, социалистик мусобақа ғолиби нишонлари, «Шавқатли меҳнати учун» медали ҳайдовчини янги изланиш ва режалар, меҳнатда ютуқлар ва юқори кўрсаткичлар сари илҳомлантирмоқда.

Ф. АБДУРАҲИМОВ,
Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси ходими.

ЗАРБДОР ҲАФТАЛАР

Кўмир разрези — республикамиз кочегарқасининг пешқадам корхонаси ҳисобланади. Шахтёрлар ихтиёрларидаги замонавий кончилик асбоб-ускуналаридан самарали фойдаланиб, иш кўрсаткичларини муттасил яхшиламоқдалар. Улар шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида пландагидан тащқари ўнларча минг тонна ёқилғи қазиб чиқаришди.

Корхонада СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига бошланган зарбдор ҳафталиклар самарали ўтмоқда. Ўтган икки ҳафтада топшириқдагига қўшимча беш эшелондан ортиқ ёқилғи қазиб чиқаришди. Коллектив эришаётган бу ютуқларда пўлат излар қуриш ва ремонти билан шуғулланаётган кончиларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Азаматлар разрез узра бир неча қатор чўзилиб кетган пўлат изларни пухта қуриш билан транспорт ҳаракатининг узлуксиз, аварияси-сиз давом этишини таъминлашяпти. Шунинг учун ҳам улар меҳнатидан коллектив миннатдор бўлмоқда.

Деярли барча йўл бригадалари топшириқни знёдаси билан адо этмоқдалар. Иш вақтидан самарали фойдаланиш, меҳнат интизомига қатъий амал қилиш ютуқлар гарови бўлмоқда. Улар йиллик йўл қуриш ва ремонт қилиш топшириғини муддатидан деярли бир квартал илгари бажаришга муваффақ бўлишди.

Айниқса, Г. Подай, З. Хабуддинов, Г. Зокировлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг иш кўрсаткичлари юксак бўлмоқда. Илғорлар ойлик топшириқларни доим ортиғи билан адо этишяпти. Масалан, октябрь ойида бу бригадаларнинг ўртача иш кўрсаткичи 131—142 процентни ташкил этди. Улар шу кунлар да келгуси йилнинг иккинчи кварталы ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

М. МУҲАМЕДОВ,
Ангрендаги 25-мактаб ўқитувчиси.

ЕРГА МЕҲР КЕРАК

«Партия XXIV съезди» совхози аслида чорвачиликка ихтисослашган. Чиноз район партия комитети бир неча йил сурункасига пахта тайёрлаш планини бажармай келаётган С. Раҳимов номли колхозни шу совхозга қўшишга қарор қилди. Дастлабки йилнинг ўзидаёқ бу қарорнинг тўғри эканлиги амалда исботланди. Ҳосилдорлик бир йўла 14 центнерга кўпайиб, 40 центнерга етди.

Совхоз заршунослари бу йил ҳам ваъдаларини ёруғ юз билан бажардилар. Пахта тайёрлаш йиллик плани районда биринчилар қатори адо этилди. Бутун мавсум давомида карвонбошликни қўлдан бермаган совхоз ишчилари давлатга йиллик планнинг қарийб 123 процентн миқдорида «оқ олтин» сотдилар. Ҳосилдорлик 40 центнерга етди.

Бир йилдаёқ ҳосилдорликни 14 центнерга ошириб, илғорликни сақлаб қолишнинг сири нимада! Совхоз директори Турсунбой ЭРНАЗАРОВ шу ҳақда ҳикоя қилади:

— С. РАҲИМОВ номли колхознинг қолоқлиги ҳаммага маълум эди-ю, аммо бунинг асл сабаби нимада эканлигини аниқ ва тўла билмасдик. Колхозни хўжалигимизга қўшиб беришган йили ҳосилдорлик 26 центнерда қолиб кетган эди.

Қолоқлик сабабини аниқлаш учун мутахассислар билан 4—5 кун дала айландик. Ҳар бир картани қадамбақадам кезиб чиқдик. Масала ойдинлашди. Бу ерлардан шу куннинг талаби даражасида ҳосил олиш учун учта муҳим агротехник тадбирни зудлик билан амалга ошириш талаб этиларди.

Биринчи навбатда, деярли ҳамма карталарда ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш лозим эди. Ирик ариқ-зовурлар қаровсиз ётиб, тўлиб қолганлиги оқибатида сизот сувлари ҳамда шўр юзага кўтарилган. Майдоларни тартибга келтириш, карталарни яхлитлаштириш, ер ости суви ва шўрни қочириш учун бир йўла 16 та экскаватор ишга солинди. Қисқа вақт ичида ҳамма зовурлар тозаланиб, чуқурлаштирилди. Кўпгина карталар текисланди, ташландиқ ерлар экин майдонига қўшилди. Хуллас, кўкламги чигит экиш пайтигача ҳамма пахта майдонлари тўла тартибга келтирилди.

Иккинчи навбатда ернинг унумдорлигини ошириш зарур эди. Кўп вақтдан бери маҳаллий ўғит солинмаганлиги сабабли тупроқ структураси бузилганди. Чорвачилик комплексимизда тўпланиб қолган гўнглар далаларга чиқарилиб, шудгор олдидан ерларга солинди. Ғўза биринчи сувдан бошлаб охиригача фақат шарват усулида суғорилди. Бунинг учун ҳар бир бригадага суюқ гўнг ташишга мослаштирилган тележкалар бириктириб қўйилди.

Учинчи навбатда далаларни вилт касаллигидан халос этиш лозим эди. Бу касалликнинг хавфли ери шундаки, у ҳосил пишиб етила бошлаган пайтда юзага чиқади. Натижада кўсаклар майда ҳолида қолиб, тўла пишмай очилади, ҳосили сифатсиз ва торози босмайдиган бўлиб қолади. Шунинг учун дастлабки йилиёқ вилт кўп тарқалган участкаларга озуқа экинлари экдик. Сабзавот, маккажўхори экилган ерлар ва эски бедазорлар бузилиб пахта учун ажратилди. Кейинги йили яна кенг майдонда алмашлаб экишни жорий этдик. Шундай қилиб бу йил пахта майдонларимиз вилт касаллигидан бутунлай тозалаб олинди.

ИЛҒОРЛАР БИЛАН СУҲБАТ

Кейинги уч-тўрт йил ичида пахтани эртаки қилиб ўстириш ва ҳосилни қисқа муддатларда йиғиштириб олиш борасида анча тажриба ортирдик. Масалан, бу йил пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини 15 иш кунида бажардик. Икки ҳафта орадигида 900 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил йиғиштириб олиш катта тадбиркорлик талаб этади, албатта. Бунда дефолиация ўтказиш муддатини тўғри белгилаш муҳим аҳамиятга эгадир. Биз фақат ОВХ-14 трактор аппаратидан фойдаланамиз. Бу йил қарталардаги ҳосилнинг етилишига қараб дефолиацияни 15 сентябрдан бошлаб, 25 сентябрь куни тугатдик. Ишнинг сифатига алоҳида эътибор бердик. Натижада препаратлар тез таъсир кўрсатиб, машина терими барвақт бошлаб юбориш имкони туғилди.

22 та терим машинаси эртаклаб соат 9—10 лардан кечаси 2—3 гача тўхтовсиз ишлади. Механик-ҳайдовчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, бинобарин кунлик теримда юксак унум бўлиши учун бир тонна пахтага 10 сўмдан ҳақ тўлаб бордик. Биринчи терим пайтида механизаторларимиз ҳар беш кунликда ўртача 200 сўмдан даромад қилдилар. Али Сангинов, Қозоқбой Сатторов, Аҳмад Ҳакимов, Анор Таженов сингари механик-ҳайдовчиларнинг терим агрегатларида мусобақа ғолиби вимпеллари мунтазам ҳилпираб турди.

Ерларнинг мелиоратив ҳолати, тупроқ структураси яхшилангач, ҳосилдорлик кўтарилиб, айрим илғор бригадирларимиз элликцентнерчилик ҳаракатига қўшилмоқдалар. Бу йил Мамарасул Турсунбоев, Беркин Эркулов, Наим Юсупов, Карим Аҳмедовлар раҳбарлик қилаётган бригадалар 45—50 центнердан хирмон кўтаришди.

Совхозимизда пахта йиғим-терими бу йил, айниқса, уюшқоқлик билан ўтказилди. Республика партия ва ҳукуматининг даъваткор Мурожаати умумий сафарбарликни кучайтириб юборди. Хўжалигимиз территориясида истиқомат қилувчи 35 нафар кекса пенсионерларнинг шахсий намуна кўрсатиб, пахтазорларга отланишгани совхозимиз ишчи-хизматчиларининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди. Табаррук кексалар алоҳида бригада тузишиб, ҳар куни 30—40 килограммдан пахта териб беришди. Маматқосим ота Усталов, Имом ота Норқулов, Сафарбой ота Худойқулов, Пирмуҳаммад ота Аҳмедов, Мурод ота Ортиқов, Эргаш ота Шакаров, Бўриқори ота Шакаров каби пенсионер қарияларимиз мавсумла бирор кун канда қилмай, умумхалқ ишларида актив қатнашдилар.

Совхозимиз ишчилари етиштирилган ҳосилнинг бир граммини ҳам қолдирмай, йиғиб-териб олишда сидқидилдан кўмаклашган Калинин райони меҳнаткашларидан ҳам гоят миннатдордирлар. 550 нафар ҳашарчилар мавсум бошидан бери хўжалигимиз аъзоларига қинакам мададкор бўлдилар. Биз республика хирмонига 3500 тоннадан зиёд «оқ олтин» тўкиб, катта галабага ўз улушимизни қўшган эканмиз, бу билан Калинин райони меҳнаткашлари ҳам фахрланишга ҳақлидирлар.

Бу йилги ютуқларимиз қувончли бўлди, албатта. Аммо навбатда масъулиятли вазифалар турибди. Биз келгуси йил мўл ҳосили учун куздаёқ жиддий қайғурамиз. Ҳосилдан бўшаган ерларни тезда тозалаб, сифатли шудгорладик. Ҳайдаш олдидан эса гўнг солинди. Техника ремонтини барвақт бошлаб юборганмиз.

Бир сўз билан айтганда мавжуд барча куч ва имкониятлар кузги-қишки тадбирлар комплексини ўз вақтида сифатли ўтказиб, келгуси йилда ҳам район хўжаликлари орасидаги мавқеимизни сақлаб қолишга қаратилмоқда.

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги Ленин номли колхозда йилдан-йилга ойнавандли экин майдонлари кенгайиб бормоқда. Бу йил хўжаликда яна 6 гектарлик теплица қуриб ишга туширилди. Таниқли цитрусчи Зайниддин Фаҳриддинов бошчилик қилаётган бу коллектив аъзолари янги майдонларга ҳам ёш лимон кўчатларини ўтказишди. Суратда: звено бошлиғи Исмоил Аҳмедов ва бригада етакчиси Абдурасул Толиповлар лимон кўчатларига ишлов беришмоқда.

Г. Григорьев фотоси. (ЎзТАГ).

МУШТАРАК МАҚСАД

Ҳамиша-ҳамрўз пахта ҳосили усталарини ҳалқимиз фахр билан тилга оладилар. Турсуной Охунова, Энвер Алиев, Адолат Рўзматова, Сервер Усеинов, Михаил Ковешников..., Улар ва у каби жуда кўп пахтакорлар турли миллат вакилларидир. Аммо уларни юксак муштарак мақсад — Ватанга мўл «оқ олтин» армуғон этиш иштиёқи бирлаштириб туради. Бу мақсад уларни ҳамиша олга, янада юксак чўққиларни эгаллашга руҳлантиради.

Бригадамиз коллективи ҳам бир неча миллат вакилларидан иборат. Аммо, улар ягона оила фарзандларидек аҳиллик, ва уюшқоқлик билан меҳнат қиладилар. Аҳиллик бор жойда эса ишда унум, хирмонда барака бўлади.

Ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида нокулай об-ҳаво шароитлари пахтакорларимиз меҳнатини гоят мушкуллаштириб юборган бўлса-да, улар табиат инжиқликлари олдида саросимага тушмадилар. Аксинча, янада зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиб, саботматонат кўрсатиб мўл ҳосил етиштирдилар.

Пахтакорларимиз 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил етиштириб, барвақт социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этдилар. Аввалги йиллардагидек яқин ҳосилнинг қарийб ҳаммасини машиналарда теріб олдик. Ёш туркуноўчи механик-ҳайдовчимиз Ўроэгул Букурова «зангори кема»си билан 200 тоннадан кўпроқ пахта терди.

Биз республикамизнинг барча пахтакорлари қатори келгуси йил ҳосилига пухта тараддуд кўрянмиз.

Мария КОВАЛЕВА,
Бўка районидаги «Бўка» совхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

САРА УРУҒ — ҲОСИЛ БЎЛИҚ

ТАЖРИБАЛИ деҳқонларимиз шундай дейдилар. Ҳақиқатан ҳам мўл ҳосил етиштиришда уруғликнинг аҳамияти катта. Уруғлик чигит сифатли бўлса, бир текис қийғос униб чиқади, ғўзаси дуркун ўсади, мўл ҳосил тўплайди.

Колхозимиз уруғлик пахта етиштиришга ихтисослашган. Фақат шу йилнинг ўзида деҳқонларимиз давлат қабул пунктларига 1200 тонна уруғлик пахта етказиб бердилар. Бу пландагидан 200 тонна ортиқдир.

Уруғлик пахтани тез ва сифатли териб олишда кўпмингкилограммчи чеварларимиз астойдил ғайрат қилдилар. Улардан Раҳима Раҳматулина, Маърифат Мирзааҳмедова, Кўпайхон Расуловалар теримнинг долзарб палласида хирмонга кунига 150—200 килограммга етказиб пахта топширишди. Мавсум охиригача эса 7—8 тоннадан «оқ олтин» териб қўйишди.

Дугоналарим билан меҳнат беллашувида юқори кўрсаткичга эришдим. Мавсум охиригача 9 тонна пахта тердим.

Биз теримчилар ҳосилнинг сўнгги мисқоли йиғиштириб олингунга қадар далалардаги зарбдор меҳнатни бўшаштирмадик. Шу туфайли бу йилги нокулай об-ҳаво шароитларида етиштирилган мўл ҳосилнинг асло нобуд бўлишига йўл қўймадик. Бутун ҳосилни ўз вақтида териб олиб, Ватан хирмонига топширдик.

Юксак социалистик мажбуриятларини зиёдаси билан бажарган пахтакорларимизнинг юзлари ёруғ. Улар фидокорона меҳнатлари самарасидан ҳар қанча ғурурланса-лар арзийди. Хўжалигимиз аъзолари келгуси йилда далаларга экиладиган сара уруғлик тайёрлаб қўйишга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Зеро, уларнинг фақат бу йилги баракали хирмондагина эмас, келгуси йилдаги мўл ҳосилда ҳам улушлари бўлади.

Манзура РАСУЛОВА,
Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» колхози.

ТАВСИЯГА МУНОСИБ

Далаларда етиштирилган пахта бодраб кўз очаётган, ҳамма ерда ҳосилни териб олишга қизғин тайёргарлик кетаётган кунлар эди. Совхоз партия комитетининг секретари Азимжон Бекмирзаев коммунистларнинг навбатдаги очиқ йиғилишини очар экан кун тартибидаги масалани эълон қилди:

— Бугун терим мавсумини юксак уюшқоқлик билан ташкил этиш масаласини кўриб чиқамиз,— деди у.—Далаларимизда йил бошида мўлжалланган ҳосилни тўпладик. Ҳамма ғаи қилган меҳнатимиз мевасини тез кунлар ичида сира нобуд қилмай теріб олишимизда қолган.

Ўша куни коммунистлар ўз йиғилишларида терим даврида социалистик мусобақани йўлга қўйиш, теримтранспорт отрядлари ташкил этиш, илғорларни рағбатлантириб бориш ва бошқа масалалар юзасидан зарур тадбирларни белгилаб олдилар. Орадан кўп ўтмай бу тадбирлар ўз самарасини берди. Терим юксак уюшқоқлик билан бошланиб кетди.

«Далварзин» совхозида кадрлар билан ишлашда яхши тажриба тўпланган. Барча раҳбарлик лавозимларига синовдан ўтган, ўз касбига чин дилдан меҳр қўйган коммунистлар тайинланган. Терим мавсумида бу, айниқса, катта ёрдам берди. Коммунистлар ҳар соҳада намуна кўрсатиб, хўжалик меҳнаткашларини олинган юксак мажбуриятларни муваффақиятли ва муддатидан илгари бажаришга сафарбар этдилар. Республикада хизмат кўрсатган пахтакор, Ленин ва Меҳнат Қизил байроқ орденлари кавалери Б. Отахонов, М. Ортиқов, Ж. Яхшибоев сингари коммунистлар бош бўлган бригадаларнинг коллективлари мусобақада карвонбошликни ўз қўлларига олдилар.

Кекса пахтакор Бобохон Отахонов бригадаси ўтган йили ҳар гектар ердан 60,2 центнердан ҳосил кўтариб рекорд ўрнатган эди. Бу йил 85 гектар пахта майдоннинг ҳар гектаридан олинган ҳосил 61,2 центнерга етказилди. Муҳиддин Ортиқов бригадаси 48, Жўра Яхшибоев бошлиқ пахтакорлар эса 42 центнерлик марраги қўлга киритдилар.

Ана шуларнинг ҳаммаси совхоз марказидаги социалистик мусобақа ойнасида ўз аксини топиб борди. Бошланғич партия ташкилоти мусобақа ошкоралиги ва таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида барча бўлимлар ва бригадаларда ҳам махсус стендлар ташкил этди. Уларда терим йўлларги тажрибаси очиб берилди, ўз коллективини орқага тортаётган айрим қолоқлар қатъий танқид қилинди. Натижада совхознинг барча ишчилари ўртасида «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» шиори остидаги ташаббуслар кенг қулоч ёйишда 36 агитатор ва 58 лекторнинг хизмати катта бўлди. Улар ҳар куни дала шийпонларида турли мавзуларда оммавий-сиёсий тадбирларни амалга ошириб бордилар. Шуниси эътиборга лойиқки, илғор бригада бошлиқлари, мусобақада пешқадамлиқ қилаётган коммунистлар агитатор қилиб тайинландилар. Улар орасида Жўра Яхшибоев, Ислом Пардаев, Абдуқодир Эргашев сингари жонкуярлар айниқса самарали фаолият кўрсатдилар.

КОММУНИСТЛАР ИШ БОШИ

Совхоз далаларида терим даврида 47 та «зангори кема» тинимсиз ишлаб турди. Анорбой Жалилов, Эргаш Ортиқов сингари механик-ҳайдовчилар «пўлат этак»лардан 200 тоннадан ошириб «оқ олтин» тўкдилар ва мусобақада фахрли иккинчи тўрдан жой олдилар. Комсомол ва ёшлар ҳам бўш келишмади. Теримни тез ва сифатли ўтказиш учун бошланган мусобақада А. Гойипназаров, Х. Файзиев сингари комсомол механизаторлар катта акаларидан ортда қолмай юксак кўрсаткичларни қўлга киритдилар.

Социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилганлиги туфайли совхоз меҳнаткашлари давлатга пахта топшириш юзасидан зиммаларига олган план ва мажбуриятларини ёруғ юз билан муддатидан илгари бажардилар. Лекин ҳали хўжалик коммунистлари олдида кўпгина вазифалар турибди. Улар айни кунларда ҳосилдан бўшаган пахта майдонларини сифатли ва тез шудгорлаш ишларини бошлаб юборганлар. Бу соҳада ҳам совхоз партия ташкилоти махсус комиссия ташкил этди. Тракторчилар ўртасида мусобақа уюштирилди. Терим даврида тўпланган тажриба шудгорлашда кенг қўлланилмоқда. Ҳар беш кунда мусобақа якунлари чиқариб турилмоқда. Илғор тракторчиларга вимпеллар ва 100 сўмдан пул мукофоти бериш йўлга қўйилган.

...Бундан икки йил илгари район партия комитетида икки ёш мутахассис — совхоз бош агрономи И. Ортиқов ва район комсомол комитетининг ўша пайтдаги биринчи секретари А. Бекмирзаевларга ишонч билдирилиб бирини хўжалик директори, бирини партия комитетининг секретарлигига тавсия этишганда, уларнинг одамлар билан тезда тил топишиб кета билишлари, изланувчанликлари, янгилик тарафдори эканликлари ҳисобга олинган эди. Мана орадан маълум вақт ўтгач, дастлабки натижаларни кўриб турибмиз. Ёш раҳбарлар тўғри йўл танлашганлигини анча оғир келган бу йилги шароитда мўл ҳосил тўплаб, область ва республика хирмонига муносиб улуш қўшганликларидан ҳам бўлса бўлади.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
Бекобод райони.

АДОЛАТЛИ КУРАШ ҚУВВАТЛАНМОҚДА

КОБУЛ, 1 декабрь. (ТАСС). Афғонистон Демократик Республикасининг халқи ва ҳукумати фалаштин халқининг империализм мададида Исроил юпмол этган қонуний ҳақ-ҳуқуқлари қондирилмоғи учун олиб бораётган қаҳрамонона ва одилона курашини қатъиян қўллаб-қувватлашини билдиради. Фаластинлик араб халқининг кураши билан халқаро бирдамлиқ куни муносабати билан АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион кенгашининг Раиси Б. Кармалнинг Фаластин Озодлик Ташкилоти ижроия комитетининг раиси Я. Арафатга юборган мактубида шу ҳақда гапирилади.

АДР, дейилади ҳужжатда, Фаластин масаласини Яқин Шарқ проблемасидаги асосий масала деб қарайди ва бу масала сепарат йўллар билан ҳал этилишига қарши чиқади. Биз, дейилади мактубда, Яқин Шарқ можаросини одилона бартараф этиш учун барча манфаатдор томонлар, шу жумладан, Фаластин Озодлик Ташкилоти иштирокида халқаро конференция чақириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Б. Кармал фаластинлик араб халқининг кураши тўла галаба билан якунланади, деб ишонч билдирди.

АҚШДА ҚОР БЎРОНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 2 декабрь. (ТАСС). АҚШ Ғарбининг ўрта қисмидаги бир қанча районларда кучли қор бўронлари натижасида кам деганда уч киши ҳалок бўлди. АП агентлигининг маълум қилишича, Айова ва Небраска штатларида шу ҳафтанинг бошидан бери қарийб 25 сантиметр, Аризон штатида 38 сантиметргача қалинликда қор ёққан. Баъзи жойларда қорнинг қалинлиги 120 сантиметрга, шамол тезлиги эса соатига қарийб 100 километрга етди.

Мана шу табиий офат натижасида АҚШнинг бир қанча районларида хавфли вазият вужудга келди. Жанубий Дакота штатида 160 километр узунликдаги катта йўлда қатнов тамомила тўхтаб қолди. Махсус қутқазувчи командалар қор тагида қолган машиналардаги кишиларни қидириш билан машғул.

ШИФОХОНАДА ТЕПЛИЦА

РАЙОН диспансерида даволанувчилар ва шифохона ходимлари рационидан йил бўйи куврак бодринг ва помидорлар, кўк пиёз ва барра қўкатлар сира аримайди. Бу сервитамин маҳсулотлар муассасанинг ўз шахсий теплицасида етиштирилади.

Янги сабзавот ва қўкатларни теплицада шифохона ходимларнинг ўзлари парвариш қилишади. Врачлардан А. Юнусов, М. Ильгина, Ж. Зўрбеков, ҳамширалардан А. Раҳматуллаева, Т. Солиҳова, М. Исроилова ва аҳил коллектив бошқа аъзоларининг меҳнат-ғайрати туфайли бу ерда ҳамиша баҳор нафаси уфуриб туради.

Яқинда даволаш корпусларн газ билан иситила бошлагач, теплица хўжалигини юритишда ҳам янги қулайликлар юзага келди. Илгари шифохона эҳтиёжлари учун 1200 тонна кўмир ташиб келтирилар, бунинг устига устак печлар яхши ишламасди. «Зангори ёқилғи» эса бу нуқсонларга чек қўйиш билан бирга йилига 30 минг сўмдан зиёд давлат маблағини иқтисод қилиб қолиш имконнятини яратди.

●

98 ТОННА КЎП

ЎРДАКЧИЛИК — фойдали соҳа! Товоқсой посёлкасида жойлашган «Октябрь 60 йиллиги» номли паррандачилик хўжалиги эришаётган муваффақиятлар ана шундан далолат беради.

Хўжаликда давлатга пархез гўшт топшириш йиллик плани 335 тонна ҳажмида белгиланган эди. Ҳозиргача эса эл дастурхонига 373 тоннадан зиёд ўрдак гўшти етказиб берилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагидан 98 тонна кўпдир. Чунончи, давлатга тухум сотиш плани ҳам ошиғи билан адо этилди.

Хўжалик намунали парандахоналарга эга. Бу ерда ҳамма меҳнат жараёнлари механизациялаштирилган. Ўрдакбоқарларга энг зарур маданий-маиший шароитлар яратиб берилган. Шу туфайли ҳам инкубатор цехи операторн Е. Денисова, парандабоқарлар Т. Утегенова, Р. Никифорова, Э. Боше, Д. Мулдашева сингари пиҳоатқорлар меҳнат қилаётган коллектив янги-янги ютуқларни қўлга киритишга муваффақ бўлдилар.

Ю. ЧЕРНОГАЕВ,
Бўстонлиқ райони.

ДУНЁ ОВОЗИ

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ТИНЧЛИК ВА ХОЛИС НИЯТ САФАРИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг ГФРга қилган визити якунларини жаҳон жамоатчилиги ва матбуоти том ва юксак маънодаги тинчлик сафари деб, КПСС XXVI съездининг уруш хавфини, аввало ядро уруши хавфини тугатиш, қуролсизланиш, кескинликни юмшатиш ва турли социал тузумдаги давлатлар билан тинч ҳамкорлик қилиш йўли таъсирчанлигининг яққол тасдиғи деб баҳоламоқда. Матбуот органлари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг визит давомида Л. И. Брежнев қилган жуда муҳим ва фойдали ишни тўла-тўкис маъқуллаган ҳужжатини тўла равишда эълон қилиб ёки батафсил баён этиб, шу билан бирга бу визитнинг натижалари тинчликни сақлаш йўлидаги кураш янада самаралн бўлиши учун мавжуд имкониятларни кенгайтиради, халқларнинг хатто энг мураккаб халқаро проблемаларни ҳам ҳал этиш мумкинлигига ишончини кучайтиради, деб таъкидламоқда.

Л. И. Брежневнинг ГФРдаги музокаралари ва суҳбатлари, унинг учрашувлари ва нутқлари — СССР 80-йиллар учун КПСС XXVI съезди қабул қилган тинчлик программасини амалга оширишни изчиллик ва собитқадамлик билан давом эттираётганлигининг яққол, ишонарли далилидир, деб таъкидлайди Болгариядаги «Работническо дело» газетаси. КПСС билан Совет давлатининг қардош социалистик мамлакатлар билан мустаҳкам мувофиқлаштириб амалга ошираётган ленинча ташқи сиёсати ўзининг чуқур тинчликсеварлиги, изчиллиги, ташаббускорлигини қайта-қайта намойиш этмоқда. Совет Иттифоқининг халқлар хавфсизлиги ва тараққиёти, кескинликни юмшатиш манфаатлари йўлидаги халқаро фаолияти, қуролланиш пойгасини жиловлаш соҳасидаги ташаббуслари, Л. И. Брежневнинг шу улуғ мақсадларга эришишга қўшаётган шахсий ҳиссаси ер юзининг ҳамма жойларида инсон цивилизациясининг олий мулки бўлмиш тинчликни ардоқлаб асрашга, уни кун сайин актив ҳимоя қилишга бўлган хоҳиш-иродаларнинг мустаҳкамланиб боришига имкон бермоқда.

Совет раҳбарлари Л. И. Брежневнинг ГФРга қилган визити якунларини, унинг канцлер Г. Шмидт билан ва Ғарбий Германиянинг бошқа давлат ҳамда сиёсат арбоблари билан музокаралар ва суҳбатлар давомида қилган муҳим ва фойдали ишини тўла-тўкис маъқулладилар, деб таъкидлайди Ғарбий Германиядаги **ДДП агентлиги**. Шу визит якунларига оид ҳужжатда Москва НАТОда ишбошилик қилаётган давлатларни ва аввало, АҚШни ҳамон ўзлари учун ҳарбий устунликлар олишга, ҳақиқатда эса Совет Иттифоқини бирёқлама қуролсизлантиришга умид боғлашда айблади. СССР бунга розн бўлмайди, деб таъкидланади ҳужжатда. Буни Европа халқлари, Америка халқи, қуролсизланиш ва тинчликни қадрловчи ҳамма халқлар билишлари керак. Ғарб давлатларининг масъул раҳбарлари ҳам буни тушуниб олишлари лозим.

Совет раҳбарлари Рейган маъмурияти билан снёсий мулоқот бошлашга тайёр эканликларини изҳор этдилар ҳамда Вашингтонни Европадаги ядро қуролларини чеклаш тўғрисида Совет Иттифоқи ўртага қўйган янги таклифларга зўр эътибор билан холисона қараша чақирдилар, деб ёзади «**Вашингтон пост**» газетаси. Снёсий бюро, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг қўшма ҳужжати Женевадаги музокаралар бошланадиган куни эълон қилинганини совет томони музокараларга жиддий ёндошаётганининг далили деб билмоқ керак.

Л. И. Брежневнинг ГФРга қилган визити бутун дунёда тинчлик ва янги урушнинг олдини олиш учун курашаётган барча тараққипарвар кучларнинг ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди, деб таъкидлайди Танзанияда чиқадиган «**Мфаньякази**» газетаси. Башарти Европа Совет Иттифоқи таклиф қилаётганидек, ядро қуролидан ҳалос бўлиб қолса, ядро қуролини бошқа регионларга жўнатмаслик проблемасини ҳал этиш анча осонлашган бўлур эди.

(ТАСС, 1 декабрь).

СССР МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

● КОПЕНГАГЕН, 2 декабрь. (ТАСС). Бу ерда совет фильмлари ҳафтаси «Ҳеч ким ўлишни истамасди» номли кинолентани кўрсатиш билан бошланди. Ҳафталик Данияда «Дания—СССР» жамияти ўтказаётган СССР маданият кунлари муносабати билан бошланди. Бу йилги ҳафталик Литва ССРга бағишланган.

СОВЕТ РАССОМЛАРИ ВИСТАВКАСИ

● КУАЛА-ЛУМПУР, 2 декабрь. (ТАСС). Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари рассомлари асарларининг бу ерда очилган виставкаси катта муваффақият қозонди. Виставка Совет Иттифоқи билан Малайзия ўртасида маданий алоқалар программасига мувофиқ уюштирилган. Мамлакат жамоатчилиги экспозицияни гоят қизиқиб тамоша қилди.



ГФР. Яқинда 250 мингдан зиёд тинчлик тарафдори мамлакатнинг ҳамма бурчакларидан Бонн шаҳрига келиб оммавий намойиш ўтказди. Улар ГФРнинг АҚШ ҳамда НАТОнинг ракета-ядро полигонига айлантирилишига қарши кескин норозилик билдирдилар. Суратда: шаҳар марказида митинг пайтида. А. Григорьева фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ТЕЛЕТАЙП ЁНИДА 24 соат

● ҚУВАЙТ. Араб мамлакатларида саводсизликни тугатиш проблемалари юзасидан семинар Қатар пойтахтидаги Доха шаҳрида бошланди.

15 араб давлати делегациялари ва бир қанча регионал ташкилотларнинг намояндалари саводсизликни тугатиш йўлларн ва методларини кўриб чиқадилар, бу соҳадаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш масалаларини муҳокама қиладилар.

● ОТТАВА. Монреалда бўлиб ўтган Сальвадор халқи билан бирдамлик халқаро касаба союз конференциясининг қатнашчилари Вашингтоннинг Марказий Америка ва Кариб ҳавзасига нисбатан ўтказаётган сиёсатини ғоят хатарли, деб баҳоладилар. Дунёнинг 30 мамлакати касаба союзлари номидан келган конференция делегатлари АҚШ маъмуриятининг иғвогарлиги ва ҳарбий дўқ-пўписаси бутун дунёда тинчлик ишини жиддий хавф остида қолдиради, деб таъкидладилар.

Улар конференциянинг якунловчи ҳужжатида милитаристик сиёсатга чек қўйилишини талаб қилдилар ва дунёдаги барча демократик кучларни Вашингтон ҳарбий агрессия билан чўчитаётган регондаги мамлакатлар халқлари билан бирдамликка чақирдилар.

● ДАКАР. Сенегал давлат ташқи ишлар министри М. Ньясс бундай деди: Фаластин Озодлик Ташкилотининг тенг ҳуқуқли иштирокисиз Яқин Шарқ можаросини одилона ва пухта ҳал қилишга эришиб бўлмайди. М. Ньясс фаластинлик араб халқининг кураши билан халқаро бирдамлик куни муносабати билан сўзга чиқиб, Сенегал бу халқнинг озодлик ва мустақиллик учун олиб бораётган адолатли курашини қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

● ПАРИЖ. Француз спортчиси К. Марти атлантика океанини Виндсерфда сузиб ўтишга уриниб кўрмоқчи. У шу ғалати сафарга Дакар портидан жўнаб кетди. Спортчи 30 кун мобайнида (йўлда унга чоғроқ кема ҳамроҳ бўлади) 5 минг километр масофани сузиб ўтиб, Мартиника оролигача етиб бормоқчи.

(ТАСС, 1 декабрь).

Кейнги йиллар ичида пойтахтимиз районларининг жуда кўплаб корхона ва ташкилотларда кўркам, қулай мактабгача болалар муассасалари фойдаланишга топширилди. Тошкент бадиий буюмлар фабрикасига қарашли 84-боғча ана шуларнинг биридир. Кичкинтойларнинг бу оромгоҳида ўз ишини севган, жажжиларга меҳр қўйган тарбиячилар анчагина. Суратларда: тарбиячи Дилдора Муслимова (юқорида) қувноқлар билан. Ким чиройли чизишга ўйнин (пастдаги сурат).

Р. Альбеков фотолари.

ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР — ҲАЁТГА!

ҚИШЛОҒИМИЗ ТЎЙЛАРИГА КЕЛИНГ

Келин-куёв остонага қадам қўйиши билан борлиқни «Тўйлар муборак!» ялласи, шўх куй-қулги, қизғин олқиш — қарсак садолари тутиб кетди. Меҳмонлар икки ёшни ўринларидан туриб қарши олишди. Келин-куёв ўзлари учун махсус тайёрланган жойга бориб ўтиришгач, тўй очиқ деб эълон қилинди.

Эҳтиросли табрик сўзлари қарсакларга, дилрабо куй-қўшиқлар шўх рақсларга уланиб кетди. Тўй кечасига йиғилганлар икки пайваста қалб шаънига ўз дил сўзлари, эзгу тилакларини изҳор этишарди...

Бу танганали маросим «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозида истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат ветерани Турсунбой ота Ўнғалбоев хонадонида бўлиб ўтди. Хонадон соҳибининг 5 ўғил, 2 қизи бор. Уч ўғлини уйлантириб, икки қизини чиқарган. Кенжа ўғли эса Совет Армияси сафида бурчини ўтаяпти. Бу сафарги тўй тўртинчи ўғил Абдумаликники эди. У Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтини тугатган, келин Гулчеҳра медицина ходими.

Бу икки ёшнинг тўйи тартибли ва файзли ўтди. Район маданият уйидан таклиф этилган ансамбль кечага ажойиб файз киритди. Исрофгарчилик ва ортиқча дабдабага йўл қўйилмади. Бунинг сабаби нимада?

...Турсунбой ота тўй қилишдан олдин уйланиб қолди. Қанча дон-дун олиши керак, ошга қанча гуруч кетади ва ҳоказо. Олдинги тўйларда анча-мунча нарса ортиб қолганини ёдида. Бироз режа бузилганди ўшанда. Хўш, бу сафар ортиқчаликларга йўл қўймаслик учун нима қилиш керак?

Шуларни ўйлаб у маслаҳатлашгани қишлоқ Советига борди. Тўй комиссияси аъзолари иштирокида режа тузишди. Барча сарф-харажат меҳмонларнинг сонига қараб қилинадиган бўлди. Кечани тартибли ўтказиб беришни эса қишлоқ Советининг депутатлари ва ветеранлар ўз зиммаларига олишди. Қарабсизки, тўй ҳам файзли ўтди, ҳам ҳаражат кам бўлди...

Иттифоқ қишлоқ Советида ёш оилалар сони йилдан йилга ортиб боряпти. Ўтган йили шу пайтгача 49 жуфт йигит-қиз никоҳдан ўтишган бўлса, бу йил 51 жуфт куёв-келин оила қурди. Бу тўйларнинг деярли ҳаммаси қишлоқ Совети депутатлари ва маҳалла комитетларининг бевосита бош-қошлигида ўтди.

Бу йил қишлоғимизда яна бир анъана пайдо бўлди. Қишлоқ Совети территориясида 33 нафар Улуғ Ватан уруши инвалиди ва 54 нафар меҳнат ветерани бор. Улар ўз территорияларидаги тўйларда иштирок этишади. Табрик сўзидан фойдаланиб, ёшларга нонинг қадр-қиммати, уруш йилларидаги қийинчиликлар ҳақида ҳам эслатиб ўтишади. Ҳаммани нонни эъзозлаш, ундан тежаб-тергаб фойдаланишга даъват этишади, ўгитнасиҳат қилишади.

Сиз агар қишлоғимиздаги тўйларда иштирок этсангиз, улар даврининг хос янгича анъаналар руҳида ташкил қилинганини кўрасиз. Кўпчилик бунга одатланиб боряпти. Янгича анъаналар эскирган расм-русм, удумларни сиқиб чиқармоқда. Бу эса совет турмуш тарзининг афзаллигини кўрсатиб турибди.

Жамила ХАРАСОВА,
Калинин район «Ленинчи» газетаси ходими.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

ФАЛОКАТГА САБАБЧИ БЎЛМАНГ

Областимизда мамлакатимизнинг ҳамма еридаги каби кўзги Бутуниттифоқ йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги ўтказилди.

Давлат автомобиль инспекцияси ходимлари йўлларимизда юз бераётган ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида кенг кўламда иш олиб бордилар. Кўрик-ойликнинг ўтказилишидан асосий мақсад — кўча ҳаракати қоидаларининг олдини олиш, пиёда ва ҳайдовчиларнинг кўча ҳаракати қоидаларига оид билимларини янада мустаҳкамлашдан иборат эди.

Тадбир ўзининг яхши самарасини берди. Областимизда қутилмаган кўнгилсиз ҳодисаларнинг сони ўтган йилга нисбатан бирмунча даражада камайди.

Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, қатор ўтказилаётган тадбирларга қарамасдан областимизнинг айрим шаҳар ва район автомобиль йўлларида баъзи ҳовлиқма ҳайдовчи ва пиёда йўловчиларнинг айби билан ҳамон кўнгилсиз ҳодисалар ҳам учраб турибди.

Шу йилнинг 24 октябрь куни Оржоникидзе районида ИЖ-Юпитер мотоциклининг ҳайдовчиси Нортожи Сиддиқов СоюзНИХИ посёлкасида қарши томондан келаётган Зил-130 автомашинаси билан тўқнашди. Натижада мотоцикл ҳайдовчисининг ўзи, ҳамда у билан бирга уч киши — Карим Есеркепов, Каримбек Бурабоев ва Оғабек Исмандиёровлар тан жароҳати олганлар.

Текшириш пайтида шу нарса маълум бўлдики, Нортожи Сиддиқов мотоциклни маст ҳолда бошқариши билан бирга тезликни ҳаддан ташқари ошириб юборган ва рулни бошқара олмай қарама-қарши йўналиш томонга ўтиб кетиши ана шу кутилмаган кўнгилсиз ҳодисанинг келиб чиқишига асосий сабаб бўлган 08—87 ТШС номерли ГАЗ-51 автомашинасининг шофёри Ўктам Рисқулов иш куни тугагач маҳзилга тезроқ етиб олиш учун орқа-ўнгига қарамай елдек учиб кетди. Солдатское — Гул—Кўрғонча йўлида қоронғуда яхши пайқамай икки пиёдани уриб кетди. Улардан бири ўлди, иккинчиси қаттиқ жароҳатланди. Шофёр бир неча минут вақтни ютаман деб бир кишининг ҳаётига зомин бўлди, иккинчиси эса шифохона даволаняпти. Ўктам Рисқуловнинг ўзи эса энди қонун олдида жавоб беради.

Яқинда Олмалиқ шаҳрида ҳам кўнгилсиз воқеа юз берди. 13—77 ТШЗ номерли ГАЗ-69 машинасини бошқарган А. Карташов «қоронғу тушди, энди автоинспектор кўриб ўтирибдими», деб юзтани отиб олди. Озроқ кайф қилиб олгач, унга кўча тор кўринди ва йўлнинг чап томонидан ҳеч қаёққа қарамай ҳайдаб кетаверди. Шу пайт муюлишдан чиққан автомашинани яхши илгамай қолди ва «Нигули» машинасини бориб урди. Енгил машинанинг шофёри Дё Мария енгил жароҳатланди.

Кўрик шуни кўрсатдики, баъзи шофёрлар кўп ҳолларда йўл белгиларига амал қилмайдилар. Айниқса, тезлик чегараланган жойларда машинани секинлатишни ўйламайдилар. Кўпгина аварияларнинг асосий сабабчиси шудир.

М-2140 маркали машинанинг шофёри Саидусмон Раҳимов «Коммунизм» колхози территориясида соатига 80—90 километр тезликда борар эди. Кутилмаганда ернинг нотекис жойида машина чап томонга сурилиб бориб бирдан ағдарилиб кетди. Натижада шофёр ва пассажир В. Ханни шифохонага жўнатишга тўғри келди.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, қоидага амал қилмаслик, шу жумладан тез юриш натижасида авариялар йўл қўйилмоқда. Кўнгилсиз ҳодисалар юз бермоқда. Шофёр ҳоҳ давлат машинасини, ҳоҳ шахсий машинасини ҳайдасин, кўча ҳаракати қоидаларига тўла амал қилишни ҳеч қачон унутмаслиги керак. Шуни яхши билиб олишлари лозимки, рулни бошқараётиб йўл қўйилган озгина хато катта фалокатларга сабаб бўлиши мумкин.

А. СУВОНБОЕВ,
Т. МАХАМАТБЕКОВ,
область давлат автоинспекциясининг ходимлари.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

АЕЗЛИ кунлар бошланиши арафасида Бўстонлиқ районидаги кўпгина аҳоли пунктларида «Зангори олов» машъаллари ёқилди Искандар посёлкаси тўла газлаштириб бўлинди. Озодбош посёлкаси ва «Бўстонлиқ» совхози марказини газлаштириш учун қувурлар ётқизила бошланди. Сойлиқ посёлкасида эса тўрт километр масофада газ ётқизиш ишлари барвақт тугалланди.

ХОНАДОНЛАРДА «ЗАНГОРИ ОЛОВ»

Районда олис тоғ посёлкаларини ҳам газ билан таъминлаш юзасидан тадбирий чоралар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда жойларда бир неча сиқилган газ қурилмалари монтаж қилинди. Улар қиш вақтида 400 дан ортиқ хонадонни газ билан таъминлаш имконини беради.

Қишлоқларни газ билан таъминлаш ва аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб боришда токарь А. Циммерлинг, слесарь В. Бобков, социалистик мусобақа зарбдори Т. Тўйчиев. газовоз шофёри Э. Маминовлар, айниқса намуна кўрсатмоқдалар. Ана шу ўртоқларнинг ташаббуси билан Бурчмулла посёлкасида янги газ техника кабинети очилди.

Ю. ГАЕВ.

БОЛАНГИЗ ТЕЛЕВИЗОР ҚАРШИСИДА

— Ўғлим, дарсингни тайёрладингми?

— Ҳозир, ада, мультфильм тамом бўлсин, кейин.

— Ундан кейин яна бошқа қизиқ фильм кўрсатса-чи? Йўқ, бўлмайди. Қани телевизорни ўчиргин-да, дарсингни тайёрла!

— Жон, ада. Хўп дея қолинг?!

— Ух, чарчадим. Телевизор кўришдан зерикмас эканманда. Бас қил, деяпман...

Шундай диалогни телевизори бор болали уйларнинг деярли ҳаммасида эштиш мумкин.

Бундан йигирма йил аввал халқимиз ҳаётида катта янгиликлардан бири саналган телевизор эндиликда кундалик эҳтиёжимиз учун зарур бўлган буюмларнинг бирига айланиб қолди. Телетомошабинларга «Зангори экран», «Ойнаи жаҳон» номи билан машҳур бўлган телевизор беповё Ватанимиз ва дунё янгиликлари, кўп қиррали кундалик ҳаётимиз янгиликлари билан таништиради, уйимизда ўтириб чет мамлакатлар стадионларидан спорт мусобақаларини томоша киламиз, концерт залларидан куй ва қўшиқлар тинглаймиз. Ҳатто космосда ўтказилаётган илмий-тадқиқотларни кузатамиз. Хуллас, уйдаги экран ёш томошабинларни Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқатга, мардлик ва иродага, дўстликка, ёшларнинг шахсан камол топишига, ҳаётда ўз ўринларини тўғри танлаб олишларига ёрдам беради.

ТАРБИЯ МАВЗУИДА

Лекин ҳар бир нарсада меъёр бўлиши керак. Олимларнинг ҳисобига кўра агар бола бир кеча-кундузда ўртача уч соат телеэкран олдида ўтирса бир йилда 500 дан 1000 соатгача вақтини телевизор кўришга сарф қилар экан. Ҳали турмуш тажрибасига эга бўлмаган бола, айниқса, мультфильмлар, «Хайвонот оламида», «Киносаёҳатчилар клуби», «Кинопанорама», «Мунозара клуби» каби кўрсатувлар ва спорт янгиликларини сира канда қилмай томоша қилади. Бу яхши албатта. Лекин кечки ахборотдан кечаси алламаҳалгача телеэкран қаршисидан жилмай диктор хайрлашмагунча ўтириш ўсмирни толиқтириб қўяди. Яна устига устак қимматли вақтини олади.

Мутахассисларнинг маслаҳатларига кўра мактабгача ёшдаги болалар қар куни 10—20, бошланғич синф ўқувчилари 30—40 минут, ёш ўсмирларга 1—1,30 соат телевизор кўриш тавсия этилади. Шунинг учун ота-оналар болаларга ўлар учун аталган телевизион кўрсатувларнигина кўришга одатлантирсалар тўғри бўларди. Бунинг учун газетада эълон қилинган ҳафталик телевидение кўрсатувлари программасини болалар билан биргалашиб қайси фильм, қайси кўрсатувларни кўриш кереклигини олдиндан белгилаб олишимиз ва бунга қатъий амал қилишимиз керак.

«Баъзида телевизион кўрсатувларни бутун оила биргаликда томоша қиладилар, — деб ёзган эди «Правда» газетаси шу йилги ўз бош мақолаларидан бирида. — Ёш томошабинлар нимани кўраётганликлари, у ёки бу кўрсатувлар уларнинг қалбида қандай из қолдириши кўп жиҳатдан ота-оналарга боғлиқ. Телеэкран ҳар бир хонадонга олиб кирган кўрсатувлар моҳиятини тўғри тушуниб олишда болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш, ёшларни тўлақонлантирган кўрсатувларни оила даврасида муҳокама қилиш, ёш авлодни тарбиялашда улардан моҳирона фойдаланиш муҳимдир. Айни вақтда телевидение орқали кўрсатилган кўпгина бадиий фильмлар, бошқа бир қанча программалар фақат қатлар учун мўлжалланганлигини унутмаслик керак...».

Агар болалар телевизор кўрсатувларидан тўғри фойдаланишса, ўқув программасини мунтазам кузатишса, бу —уларнинг тарбиясига, фикрий доирасини кенгайтиришга амалий ёрдам беришини ота-оналар, ўқитувчилар алоҳида ҳисобга олсалар яхши бўларди. Телевидение кўрсатувлари бекорчиларга эрмак, шунчаки вақт ўтказиш омили эмас, балки у тарбиянинг муҳим таъсирчан воситаларидан биридир.

Қ. ТЎЛАБОЕВ,
педагог.

ҲУРМАТГА САЗОВОР

Николай Павлович поликлиника эшигидан кираётган экан, ўз кабинети ёнида уни интизорлик билан кутаётган беморларга кўзи тушди. Қабулига келганлар билан сўрашди. Сўнг, Вера Васильевнага бундан уч кун аввал касаллик варақаси очган аёлга юзланди.

— Қалай, соғлиғингиз энди дурустми?

— Жуда яхши, ўртоқ доктор, сиз айтган дориларни кунига уч маҳалдан ичдим, мана, кўриб турганингиздек, аҳволим яхши, эндиликда ишга чиқсам ҳам бўлаверади.

— Жуда хурсандман, ҳозир назоратдан ўтказамиз,— врач шундай дея беморни хонасига таклиф қилди ва кейин кўнгли тўлгандек ҳиёл жилмайиб:

— Чиндан ҳам эртадан ишга, бардамлик тилайман, — дея уни кузатди. Вера Васильевна кабинетдан чиқар экан, хушмуомала шифокорга миннатдорчилик изҳор этди.

Куйбишев районидаги 27-поликлиникада бўлган киши Николай Павлович Петининг ширинсўзлиги, кишиларга меҳрибонлигидан беҳад қувонади.

Шифохонанинг мулоҳазалар дафтарида захматкаш терапевт шаънига жуда кўп илиқ сўзлар баён этилган. Дардган халос бўлганлар, айниқса, шифокорнинг ҳозиржавоблиги ва маҳоратини алоҳида қайд қилишган.

Николай Павлович коллектив орасида ҳам катта обрўга эга. Бурчига бўлган масъулияти ва эътибори туфайли яқинда унинг сурати поликлиника ҳурмат тахтасидан ўрин олди.

Д. ҚОДИРОВА.

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

ГРИППДАН САҚЛАНИНГ

Грипп кузда ва қишда тез тарқаладиган юқумли касалликдир. Бу дардга чалинган кишининг ҳарорати ошиб, бутун аъзоси баданида оғриқ сезилади. Нафас йўллари ҳам хасталанади. Гриппни тарқатувчи вирус жуда кичик, шарсимон микроорганизм бўлиб, қўйш нурига ва иссиққа чидамсиздир. Бу вируслар ҳаво зарраларини орқали бошқаларга тез юқиши билан ажралиб туради. Касалликнинг тез тарқалишига асосий сабаб — шу хасталик билан оғриган беморлар ёки улар фойдаланадиган идиш-товоқ, сочиқ, китоб ва бошқа буюмлардир.

Вирус одам организмига бурун, томоқ ва нафас йўллари орқали ўтади. Сўнг бир неча соатдан кейин ёки бир неча кундан кейин ҳам унинг бошланиши мумкин. Касаллик пайтида ҳарорат 38—39 даражагача кўтарилади, бош икки чакка ва кўз атрофи қаттиқ оғрийди. Айниқса, кўзни очиб, юмиш беморга оғир туюлади. Мускуллар тортишиб, оёқ бўшашади. Қулоқ остида алланарса гувиллаб тургандай бўлади. Грипп билан оғриган кишининг юз ва кўзи қизариши, товуши хасталаниб, қуруқ йўталиши, баъзан бурундан қон келиши ҳам мумкин.

Бу хасталик уч кун, баъзан эса тўрт-етти кун давом этиши мумкин. Бемор ҳарорати пасайганда билинар-билинмай терлайди, бир неча кунгача бўшашиб юради, иштаҳаси бўғилади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, енгил ўтган грипп ҳам киши организмини жуда бўшаштириб юборганлиги учун ўз навбатида бошқа касалликлар келиб чиқишига сабабчи бўлиши мумкин.

Шу боисдан ҳам бу хасталикнинг биринчи шарти уйда ёки шифохонада ётиб даволанишдир. Агар касаллик авжига чиққанда грипп қарши зардоб порошогини ҳидлаб туриш керак.

Касалликда бош оғриса, фенацитин, аспирин, пирамидон берилади. Кўкрак қафасида оғриқ сезилса, банка, гарчичник қўйдириш мумкин бўлади. Ремонтодин, антигриппин тавсия этилса ҳам бўлади. Албатта бу антибиотикларни қабул қилишдан олдин шифокор билан маслаҳатда бўлиш керак.

Беморга бериладиган овқатлар хилма хил, витаминли, тез ҳазм бўладиган бўлиши керак. Шолғом билан тоғолча солиб тайёрланган серқатиқ хўрда ичиш, сут ва ширчой, ширгуруч ва холвайтар, янги ивитилган қаттиқ, наъматак ва туршак сувлари, лимон шарбати, беҳи ва малинадан тайёрланган мурабболар берилиши лозим. «Тошкент» ва «Боржом» минерал сувларини илитиб ичиш беморда ташналикни қондириш билан бирга аъзоларидаги вирус заҳарларини танадан ювиб чиқаришга ёрдам беради. Исириқ таъсирида кўплаб микроблар, шу жиҳатдан, грипп вируслари касаллик келтириб чиқариш кучини йўқотади.

Жисмоний машқларнинг аҳамияти ҳам бу касалликнинг олдини олишда фойдадан ҳоли эмас. Чиниққан кишиларда енгилроқ ўтади. Буюк олим ибн Сино «Жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиб юрган киши дори-дармон билан даволанишга муҳтож бўлмайди, — деган эди. Шундай экан, юқоридаги маслаҳатларга амал қилинса касаллик ўз-ўзидан йироқлашади.

С. АҲМЕДОВ,
Олмалиқ шаҳар санитария ва эпидемиология станциясининг врачи.

САНЪАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

«ЁШЛИКДА БЕРГАН КЎНГИЛ»

ЯҚИНДА ўз мавсумини бошлаган Муқимий номидаги ўзбек давлат музикали театри ўз мухлислари эътиборига драматург Зиннат Фатхуллининг «Ёшликда берган кўнгил» спектаклини ҳавола этди. Асарга ёшларнинг соф муҳаббати, бир мақсад сари интилишлари, ҳар қандай оғир вазиятда ҳам курашчанлик руҳи билан яшашлари асос қилиб олинган.

Консерваториянинг 5-курс талабаси Азиза Бекназарова (артист М. Ҳусайнова) қўшиқ машқ қилмоқда. Азиза шундай берилиб куйлаяпти-ки, унинг жарангдор ва ширали овозини бутун борлиқ тинглаётгандек. Бу ҳолатни қўлларида гул билан кирган Норқўзи (Т Раҳимов) бузади. Учрашувдан Азиза беҳад хурсанд бўлади, чунки у Норқўзини ҳарбий хизматдан кейин энди кўриши. Улар фақат мактублар орқали ўз келажаклари борасида фикрлашардилар. Мана энди эса ўша аҳду-паймонлари ҳақида юзма-юз сўзлашмоқдалар.

Шу пайт Азизанинг курсдоши, тоғасининг мартабасига ишонган шаҳарлиқ олифта Неъмат (Н. Рустамов) қўлида машинанинг калитини ўйнаб кириб келади. У ўзини «бўлажак буюк композиторлардан» деб таништиради ва оддий колхозчи йигит Норқўзини менсимайди. Неъмат концертга кечикаётганликларини эслатганда, Азиза кейинроқ боришни айтади. Кутилмаган бу жавобдан ачиқланган йигит чиқиб кетади.

Хонага Азизанинг отаси, «миллионер» колхознинг раиси Бекмирза ака (Ф. Аҳмедов) қадам қўяди. У Норқўзини кўриб ҳам ҳайрон бўлади, ҳам ғазабланади. Чунки у бўлажак куёви Неъматни йўлда кўрган, ҳамма гапдан хабардор эди. У қандай бўлса ҳам қизини Норқўзидан ажратишни ўйлайди. Неъматжонни куёв қилишдан мақсади унинг «юқорига ишлайдиган» тоғаси сабабли эди.

Норқўзи — камтарин, ҳалол ва оқкўнгил йигит. У Бекмирза аканинг колхозида бригада бошлиғи. Норқўзи колхозлараро қамчиликлар ҳақида раисга шартта-шартта гапиради. Бу раисга малол келиб, уни мансабпарастликда айблайди...

Баъзи ғаламислар томонидан ёзилган «думалоқ хат» сабабли Бекмирза ака устидан суд иши қўзғатилади. Бироқ бу ғапларнинг ҳаммаси туҳмат эканлиги аён бўлиб, шундай кейин конфликт ечимини таъминловчи кўринишлар ижобий тус олади.

Спектаклдаги Азиза ва Норқўзи образлари ўзининг мукаммаллиги ва ишонарлилиги билан ажралиб туради. Актёрлар образлар характерини намоён қилувчи муҳим хусусият ва руҳий ҳолатларни ярата олганлар.

Асардаги Мирза (Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳ. Шарипов), Ойтой (артист Р. Тўраева), Тўлқиной (Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Н. Пўлатова) образлари бир мунча комик характерда бўлиб, спектаклнинг қизиқарли эпизодларини юзага келтиради.

Спектаклни СССР халқ артисти марҳум Р. Ҳамроев, режиссёр Н. Сандоҳонов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳ. Шариповлар саҳналаштирганлар. Музикаларни Д. Зокиров басталаган. Саҳна безаклари рассом А. Жибоедов томонидан ишланган. Дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Н. Халилов.

Театр репертуаридан ўрин олган бу спектакль ўзининг замонавийлиги, қизиқарли сюжети, ғоявий мазмуни ва актёрларнинг тўлақонли ижроси билан санъат мухлислари томонидан қизғин кутиб олинмоқда.

З. ТОШМУҲАМЕДОВА.

РАССОМ ХАНДАСИ

...Мнямга ҳеч вақо кирмаяпти.

Кўрмаяпсизми, тушликка чиқаяпман—бутерброд бу!...

— Йўқ нарсани йўқ дейдинда, нега бошни қотирасизлар?!

А. Холиқов расмлари.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

«Тошкент ҳақиқати» редакцияси шуни маълум қиладики, газетага 1982 йил учун обуна муддати 1981 йилнинг 10 декабригача давом эттирилади.

Обуна барча алоқа бўлимларида, «Союзпечать» агентликларида, корхоналар, идоралар, ташкилотлар, колхоз ва совхозлар, олий ўқув юртларида жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Концерт. 10.35 — Бадиий фильм. 12.05 — Концерт. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.15 — Шахмат мактаби. 16.45 — Хужжатли фильм. 17.35 — Концерт. 18.00 — Йиллар ва йўллар. 18.40 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Концерт. 20.15 — Қиш этюди. 20.25 — «Кичик ер». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. Ўртоқ Л. И. Брежнев китоби асосида. 3-фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 23.50 — Дунё воқеалари.

МТ-IV

9.00 — Время. 9.45 — Илмий оммабоп фильм. 10,05, 12.05 ва 17.30— Испанча сўзлашинг. 10.35 ва 11.45 — Табиатшунослик. 10.55 — Ҳунартехника билим юртларининг ўқувчиларига. 11.25 — Илмий-оммабоп фильм. 12.35 ва 13.35 — Физика. 13.05 ва 17.00 — Оналар мактаби. 14.05 — Партбилет ҳақида сўз. 14.50— Ўқитувчи экрани. Тарих. 15.20 — Зоология. 15.45 — Бадиий фильм. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 20.15 — Концерт. 21.15 — Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Бадиий фильм. 23.25 — Ҳужжатли фильм.

УзТВ-I

11.30 — Жамиятшунослик. 12.00 — «Бойчечак». 12.30 — Жамиятшунослик. 13.00 — Бадиий фильм. 17.50 — Мультфильм. 18.00 — «Ёшлик». 18.30 — КПСС Марказий Комитети ноябрь (1981 йил) Пленуми қарорлари — ҳаётга». 19.00 — Ахборот. 19.15 — Қизлар гулдастаси. 20.00 — Ахборот. 20.25 — Москва. «Кичик ер». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. Ўртоқ Л. И. Брежнев китоби асосида. 3-фильм. 21.30 — Время. 22.05 — «Соҳил». Спектакль.

УзТВ-II

18.10 — Назарий механика. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Инглиз тили. 20.30 — Янгиликлар. 20.50 — Ҳужжатли кино экрани. 21.30 — Время —МТ-IV.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4 IXII да Нодирабегим, 6 IXII да Гурунг (премьера).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3 IXII да Олифта, 4 IXII да Ёшликда берган кўнгил, 5 IXII да Вой, дод!, 6 IXII да Ишонмасанг, ўламан.

ЯККА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1981 йилнинг 1 декабридан бошлаб

1981 йил бозор фондининг эски намунали талонлари бўйича автозаправка станцияларида автомобиль бензини, ёнилғи аралашмаси ва дизель ёқилғисини бериш, шунингдек ана шуларнинг талонларини сотиш

ТЎХТАТИЛАДИ

1981 йилнинг 1 декабридан бошлаб 1981 йил бозор фондининг янги намунали талонлари бўйича нефть маҳсулотлари берила бошланади.

Аҳолининг қўлидаги эски намунали талонлар, улар қаерда сотиб олинганлигидан қатъий назар, 1981 йилнинг 1 декабридан бошлаб, 1982 йилнинг 1 июлига қадар республика нефть базаларининг кассаларида эквивалент қимматида янги намунали талонларга алмаштириб берилади.

Автозаправка станцияларида эски намунали талонларни янги намунали талонларга алмаштириш ман этилади.

Бозор фондининг янги намунали талонлари республика савдо ташкилотлари орқали сотилади.

Узбекистон ССР нефть маҳсулотлари Давлат комитети.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат — 325554. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлиқ—325733; фан маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. — 07446. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. Б. 1772.